

Ёшликда  
ўрганган ҳунар,  
Ўзинга ўлжага  
қолар.

Ўзбек халқ мақоли



## ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Таълим ва мавқега эришиш" мавзуидаги саккизинчи халқаро кўргазма иш бошлади.

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ва «SSP-Exprocontact» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада 60тадан ортиқ олий таълим муассасалари, хорижий олий ўқув юртлири филиаллари ва ўқув марказлари қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 19 февраль куни Оксаройда Америка Кўшма Штатлари Конгресси Вакиллар Палатасининг Европа ва Евроосийё бўйича қўйи кўмитаси раиси Дэйна Рорабахер ҳамда конгрессменлар Пол Кук, Тед По ва Брайан Хиггинсдан иборат делегацияни қабул қилди.

Америкалик қонун чиқарувчилар гуруҳи мамлакатларимиз парламентарийлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар доирасида Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, айни вақтда мамлакатларимизнинг биргаликдаги савдо-ҳаракатлари натижасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларни қамраган ҳамда миллий манфаатлар инobatга олинган, муштарак вазифаларни бажаришга қаратилган истиқболли икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади.

Томонлар давлатлараро миқёсда ва икки мамлакат ишбилармонлари доирасида узоқ муддатли Ўзбекистон — АҚШ алоқаларини янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдор эканликларини қайд этиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, илгор технологиялар ва мавжуд ресурсларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли сармовий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

Конгрессменлар самимий қабул ҳамда икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Учрашувда узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш икки давлат ва халқларимизнинг тўб манфаатларига мос келиши таъкидланди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, ушбу мамлакатда тинчликни ва барқарорликни қарор топтириш борасида кўрсатаётган ёрдами АҚШ томонидан юксак қадрлинишни қайд этдилар.

ЎЗА

### ЯНГИ ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

ўқувчининг ўқишга қизиқишини ошириб,  
чет тилини пухта ўрганишига  
ёрдам беради



Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар марказ мутахассислари зиммасига алоҳида масъулият юклади. Айни пайтда чет тили таълимига йўналтирилган электрон ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш жараёни янада жаддалашган.

3

### ҲАМ ТАДҚИҚОТ, ҲАМ ЛУФАТ

Жаҳон тилшунослигида санок усули — частоталарни ҳисоблаш ишлари ўтган асрнинг бошларидан қўлланилган, бир қанча муқаммал частотали лугатлар яратилган эди. Бугун ҳаётимизга муҳандислик лингвистикаси, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси сингари йўналишлар кириб келиши натижасида эса матнни лингвистик таҳлил этишнинг янги-янги имкониятлари яратилди. Ҳозирги кунда тил материални математик-статистик методлар ёрдамида ўрганиш ана шундай имкониятлардан биридир.

7

## 2013-yil — Obod turmush yili

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1167-сонли қарорига асосан,

Олтинқўл туманида намунавий лойиҳадаги 257та тураржой ўз эгаларига топширилди. Улардаги мавжуд шароит ва қулайликларга шаҳарликлар ҳам ҳавас билан қарашмоқда.

## МУАЛЛИМНИНГ ЯНГИ УЙИ

миллионларни тежаш имконини бермоқда

Иттифоқ маҳалласида ана шундай уйлардан 28таси қурилди. Ҳозир бу ерда 1000дан ортиқ аҳоли яшаяпти. Спорт ва болалар майдончалари, алоҳида сув чиқариш иншооти аҳоли хизматида.

Халқ таълими фахрийси Дилфузахон Ҳайдарова 2009 йили шу маҳалладан янги уй олганига хурсанд. Ахир, у тўрт хонали, ҳамма қулайликларга эга уйнинг бекасига айланди-да!

— Қишлоқ жойларда шундай уйлар қурилишини эшитиб, ҳавас қилгандим, — дейди у. — Қанийди, бизга ҳам насиб этса, деб ўйладим. Уч ўғлим бор, ҳаммасини уйли-жойли қилиш керак-да. Қаранг, ниятларимиз ижобат бўлиб, ўша йиллик янги маҳаллага кўчиб келдик. Янги

уйга икки келин олиб, яйраб ўтирибмиз...

Ушанда тўрт хонали уйнинг нархи 57 миллион сўмдан сал кўпроқ эди. Бошланғич ва оралик тўловлар учун 20 миллион сўмдан ортиқроғи қопланди. Қолгани эса имтиёзли кредит билан тўланади. Дилфузахоннинг иш жойидан ўтказилган ва уч ўғли Акмалжон, Иқболжон ва Шавкатбекнинг ойма-ой банкка тўлаган пуллари ҳисобига шу кунгача яна 15 миллион сўмдан зиёд маблағ узиб бўлинди.

Уларнинг девор-дармиён кўшниси Хуршидахон Усмонова Олтинқўл агроиқтисодиёт коллежида муаллим бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Бунёджон ҳам ўқитувчи. Бир ўғил ва бир қизи билан тўрт хонали кенг, ёруғ, иссиқ уйда яшаяптилар.

— Аёлимнинг ойлик иш ҳақи кредитга йўналтирилаяпти, — дейди Бунёджон. — Меники рўзғор тебратишга бемалол етади. Шу кунгача аллақанчасини узиб бўлдик.

Коллеж бош ҳисобчиси Хайрулло Маҳкамов билан боғланиб, Хуршидахон тўлаган пуллар ва унинг нима ютганини суриштирдик. Негаки, намунавий лойиҳадаги уйлар учун имтиёзли кредит олганларга алоҳида қулайликлар яратилган. Аниқлаштиришча, 2011 ва 2012 йиллар мобайнида унинг иш ҳақидан 19 миллион 245 миң сўм кредит узишга йўналтирилган. Албатта, бу пулдан даромад солиғи олинмаган. Хуршидахон бундан 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ ютибди.

(Давоми 2-бетда.)

# ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш саноати енгил саноатнинг энг тез ривожланаётган, самарадорлиги юқори бўлган тармоқларидан бири саналади, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ходими Ойбек Мавлонов. — Ёшларнинг «Тўқимачилик матолари технологияси» бакалавриат йўналишида жаҳон стандартларига мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш техника-технологиясини эгаллашга интилаётгани янада қувонарли. Матбаа ва қадоқлаш жараёни технологиялари, тикув буюмлари конструкцияси, дизайн(либослар дизайни) йўналишлари бўйича қабул имтиҳони

қайси фанлардан олиб борилиши борасида ҳам қўллаб-қувватланаётган.

Кўргазма доирасида қатор хорижий олий ўқув муассасаларининг ўқитиш тизими тўғрисида маълумот берувчи тақдимотлар ҳам бўлиб ўтди.

Кўргазмада Тошкент автомобиль ва йўллар институтидаги йўл қурилиши, Лиелай университети(Латвия)даги ахборот технологиялари, SEGi (Systematic Education Group international; Малайзия)даги бизнес, туризм йўналишлари ҳам иштирокчилар эътиборини тортди.

— Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежиде тахсил оламан, — дейди Зулфия Тўйчиева. — Тадбирда иштирок этиб,

Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг иқтисод факультети билан яқиндан танишдим. Иқтисод, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари ҳақида маълумот олдим.

Бакалавриатда тахсил олувчи талабалар эътиборида эса магистратура мутахассисликлари бўлди. Улардан бири Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржима назарияси ва амалиёти факультети битирувчиси Рустам Шукуровдир.

— Халқаро бизнес бўйича қўшимча курсда тахсил олсам, ихтисослашувимга ёрдам беради — дейди у. — MLS (Management and



Language Speciflists) коллежиде шундай курс мавжуд экан. Инглиз тилини мукамал билганим учун дарслар чет тилида олиб борилса ҳам қийинчилик туғдирмайди. Бугунги кўргазма бизга мутахассисликлар ва ўқув муассасаларини танлашда кенг йўл очиб берди.

Жорий йилги кўргазмада олдинги йиллардагидан фарқли равишда нафақат

таълим муассасалари, балки юртимизда мавжуд йиллик корхона ва ташкилотлар, хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш вазирлигининг Тошкент шаҳридаги бандликка кўмаклашиш марказлари ҳам бўш иш ўринлари билан иштирок этмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири  
Б.РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Намунавий лойиҳадаги уй эгаларидан 15 йилгача, яъни банк кредитларини узиб бўлмагунча ер ва мулк солиқлари олинмайди. Ҳўш, бу томондан қанча ютиш мумкин? Туман давлат солиқ инспекцияси бошчилигининг биринчи ўринбосари Мухаммаджон Холматов буни шундай изоҳлайди:

— Шу йилги ставкалар бўйича айнан Иттифоқ маҳалласи ҳудудидаги бир сотих ер

Демак, ҳозирча 4 миллион 500 минг сўм фойдага қолапти. Яна 13 йилда бугунги қиймат бўйича даромад солиғидан 18—20 миллион, жами 25 миллион сўмдан зиёд пул ёнга қолакан!

Хуршидахон Усмонова уйининг баҳоси 86 миллион сўмдан кўпроқ бўлса, 25 фоизли ва оралиқ тўловлар учун 22 миллион сўмга яқин пул тўлаган. Уй нархининг 64 миллион сўми банк кредити ҳисобига қопланган. Демак, шу икки омил тўғрисида фойдага қола-

## МУАЛЛИМНИНГ ЯНГИ УЙИ

миллионларни тежаш имконини бермоқда

учун 4089 сўм солиқ белгиланган. Олти сотих ернинг тўлови эса 24534 сўмни ташкил этади. Ҳўш беш йиллик тўлов ҳозирги баҳода 368 минг 10 сўмга етади...

Тўрт хонали уйнинг мулк солиғи ставкаси эса иморатнинг баҳосидан келиб чиқиб, 73000 сўм қилиб белгиланган. Бунинг ўн беш йиллик йиғиндиси 1 миллион 95000 сўм бўлди. Иккаласи қўшилса, бир миллион 463 сўмга етаркан. Демак, Хуршидахоннинг ер ва мулк солиқлари тўловидан ютадиган қисми шунчани ташкил этади. Ҳар йили ер ва мулк ресурслари қиймати ортиб бориши ҳисобга олинса, бу кўрсаткич янада юқори бўлиши табиий.

ётган маблағнинг ўзи банк устамасини қоплашга бемалол етади.

— Тўғриси, аввалига шунча пулни қайдан топамиз, қандай тўлаймиз, деб ўйлагандик, — деди Бунёдхон Усмонов қулиб, — икки йилдаёқ ярмига яқинини узиб бўлибмиз. Чамалаб кўрсак, эртарақ узиш имкониятимиз ҳам бор экан. Унда, албатта, банк устамаси ҳам камаяди. Давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёзлар тўғрисида замонавий уйлар бугун биз учун жуда арзонга тўшайпти. Бундан жуда-жуда миннатдоримиз...

О.СИДДИҚОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## МАРДЛАР

### ҚҶРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

2012 йилда муддатли ҳарбий хизматга жўнатилган йигитлар ўз шарафли бурчини адо этиб, ёруғ юз билан яқинлари даврасига қайтиди. Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғув масканига кириб келган автобуслардан кўзларида қувонч порлаган, ҳарбий кийимдаги забардаст йигитлар бирин-кетин туша бошлади. Карнай садоларига улашиб кетган байрам шодонасида ота-оналар фарзандларининг Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб қайтганидан гурурланиб турарди.

Ҳарбийларни вилоят мудофаа ишлари, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари кутиб олиб, муборакбод этди. Яқинлари билан қучоқ очиб

қўришаётган Ойбек Расулони сўхбатга тортдик.

— Бобом, отам, тоғаларим, амакиларим ҳарбий хизматни ўтаган. Оиламизда Ватанга хизмат қилиш — муқаддас бурч, деган тушунча онгимизга сингиб кетган.

Унга ҳаммамиз амал қилардим. Мен хизматни ўтаган ҳарбий қисмда жанговар ва сиёсий тайёргарликни эгаллаш учун барча шароит муҳайё. Қўмондонликнинг ташаккурномалари, фахрий ёрликлари, олий ўқув юртига кириш имтиёзига эга бўлдим. Шу йил Андижон машинасозлик институтига ўқишга кирмоқчиман.

Йиғув масканида Андижон шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимининг хонанда ва раққосалари ижросида концерт намойиш этилди.

МУХБИРИМИЗ

## БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 91 касб-хунар коллежини 94 мутахассислик бўйича 25 минг 660 нафар йигит-қиз битиради.

Беруний маиший хизмат касб-хунар коллежиде турмандаги Олга бос, Қизилқалъа, Дўстлик ва Озод овуларидеги 12 умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган ёшлар тахсил олади.

Ҳозир коллежда 703 нафар ўғил-қиз 30дан зиёд ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш усталари кўмағиде етти йўналиш бўйича касб-хунар сирларини эгаллаётир. Бу ерда, асосан, компьютер технологиялари, автотеххизмат, транспорт бошқарувини ташкил этиш, газ-сув таъминоти тизими ва электр тармоқлари жиҳозларини таъмирловчи мутахассислар тайёрланмоқда. Бу йил коллежни 283 нафар йигит-қиз тугатади.

— Битирувчиларимизнинг хошиғига кўра, уларни, асосан, муқобил машина-трактор парклари, фермер хўжаликлари, хусусий корхоналарга ишга жойлаштирмоқдамиз, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Фабиат Сайимбетов.

Коллежни газ-сув таъминоти тизими жиҳозларини соловчи уста мута-

хассислиги бўйича тугатаётган Хайрулла Матёқубов «Бобур Йўлдошев» фермер хўжалиги билан тузилган шартномага кўра меҳнат фаолиятини ушбу хўжалиқда давом эттирадиган бўлди.

Битирувчиларнинг аксарияти фермер хўжаликлариде иш бошлашни маъқул кўроқда. Чунки қишлоқларда фермер хўжаликлари фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, у ерда тажриба тўплаш имкониятлари кенг. Коллежни 2011 йилда тугатган Жақсилиқ Избосаров, Нодира Хайрулаева каби ёшларнинг фермер хўжаликлариде меҳнат қилаётгани сабаби ҳам шунда.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги ахборот-технологиялари даврида замонавий техникаларни бошқариш кўникмасига эга етуқ мутахассислар, чилангарлик, темирчилик, дурадгорлик, тадбиркорлик сирларини эгаллаётган ёшлар, шубҳа йўқки, халқимизнинг обод турмушини таъминлаш йўлида хизмат қилади.

А.ОРТИҚБОЕВ,  
ЎЗА мухбири

Умумтаълим маассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангани дарсларни янада сермазмун ва сифатли ташкил этиши имконини бермоқда. Чиндан ҳам, ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишини ошириш, фан асосларини чуқур ўргатишда электрон ресурсларнинг аҳамияти бекиёс. Бу борада Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридида белгиланган вазифалар марказ мутахассислари зиммасига алоҳида масъулият юклатди. Айни пайтда чет тили таълимига йўналтирилган электрон ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиши жараёни янада жадаллашган.

— Қарор ижросини таъминлаш мақсадида *uzedu.uz*, *eduportal.uz* ҳамда *multimedia.uz* сайтларида "Xorijiy tillarni o'rganamiz" бўлими ташкил этилиб, инглиз, немис ва француз тилини ўргатишда қўл келадиган тавсиялар, интерактив ўйинлар ва қизиқarli машқлар билан бойитилмоқда, — дейди марказ директори Шарифжон Эргашев. — Шу кунгача 33га масофавий таълим курси, 88та интерактив тест ва машқ, 13та интерактив ўйин, 40дан ошiqк виртуал лаборатория иши, 30дан зиёд мультимедиа таълим ресурси яратилган бўлса, уларни янгича ёндашув асосида янада такомиллаштиришга аҳамият қаратилмоқда. Яна бир янгиллик — вазирлик порталидаги "Elektron kutubxona" бўлими таркибидида "Viloyatlar tajribasi" рукни ташкил этилиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги педагоглар ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлишди. Мисол учун, интернет саҳифаларига қўйилган Бухоро шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Кожухар Евгенининг 9-синфлар учун «National flags and emblems» мавзусидаги очик дarsi, Избоскан туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Раъно Деҳқонованинг методик тавсиялари кўплаб педагогларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Бир неча йиллардан буён фаолият юритаётган масофавий таълим тизимининг «Moodle» дастури (*moodle.uzedu.uz*) асосида қайтадан ташкил этилгани мутахассислар эътиборига тушди. Тизимга барча синфлар ва фанлар (инглиз, рус, немис, француз тили) бўйича курслар, ҳар бир курс бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва мавзулари жойлаштирилган. Методик материаллар ҳамда мавзули тестлар ҳам ўрин олган.

Чет тилини ўрганувчилар ва ўргатувчилар "E-learning" масофавий таъ-

лим хизматидан кенг фойдаланмоқда. "E-learning" масофавий таълим тизимида ўқитувчилар интернет орқали сайтга кириб, ўз устида ишлаши ва маълумотларни юклаб олиши

лангич синф ўқувчиларига мўлжалланган инглиз тилидаги электрон дарсликларнинг «CourseLab» дастурий воситасида ишлангани, видео, аудио ва интерактив элементлар билан тўлдирилгани дарс самарадорлигини янада оширади. Жумладан, "Таёқчалар" ўйинини кўрайлик. 8 рақами ёнида саккизта таёқча ва "eight" сўзи келтирилган. Болажонлар саноқ сонларни аудио воситасида тинглаб, рақам ва унга мос келадиган таёқчаларни видеолавларда кўриб, ўрганиб олишади.

Айни пайтда 3-синф ўқувчилари учун яратилган "Эртақлар яхшиликка етаклар" мавзусида электрон таълим ресурси инглиз, немис ва француз ти-

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида Республика таълим маркази томонидан тақдим этилган умумтаълим мактабларида хорижий тиллардан ўргатиладиган мавзулар тақсимоти ва фонетик материаллар тўплами асосида электрон дастурлар яратилмоқда. Кўшимча равишда ўқувчиларнинг мавзунини мустаҳкамлаши учун инглиз, француз ва немис тилидаги машгулотлар, аудио ва видеоматериаллар ҳам тавсия этилади. Муҳими, барча электрон манбалардаги тасвир ва слайдлар, кўшиқлар мазмунини миллийлаштирилмоқда. Ушбу дастурларни таржима қилиш, овоз бериш, анимацион ресурслар яратишда

## Jarayon

Кичик ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган электрон ресурсга "Поезд" ўйинини мисол тариқасида келтирайлик. Бунда сариқ рангдаги юриб кетаётган тўртта вагонча ва қизил рангдаги бошқарувчи вагон тасвири берилган. Вагонлардаги бўш катакларга пастки қаторда келтирилган сўзлар тўғри жойлаштирилиши керак. Масалан, "Аввал ўйла, кейин сўйла" («The first think, then speak») мақолидаги тўртта сўз кетма-кетликда ёзилиши лозим. Бу вазифани ўқувчи интерфаол доскада маркер орқали ёки компьютерда сўз қорғачи билан бажаради. Агар топшириқ тўғри бажарилса, бирор мақол ва сўз бирикмасининг инглизча таржимаси келиб чиқади ва поезд юриб кетади. Сўзлар нотўғри киритилса, гап тузилиши ҳам бузилади, вагончалар эса жойидан қўзғалмасдан тураверади. Бу

## ЯНГИ ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР

*ўқувчининг ўқишга қизиқишини ошириб, чет тилини пухта ўрганишига ёрдам беради*


мумкин. Дастурдан ўрин олган "Sammer" тизимида эса республикамиздаги барча педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида ҳимоя қилинган битирув-малакавий ишлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Ўқитувчилар ўзаро мулоқот форуми ёрдамида соҳа янгилклари, тадқиқотчи ва таржимонларнинг ижодий иш ва тавсияларидан бохабар бўлишяпти.

Яқинда марказ томонидан «Умумий ўрта таълим мактабларида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш усуллари» бўйича электрон қўлланма яратилди. Қўлланма интернет ва ахборот билан ишлаш тартиблари, электрон дарсликларни ўрнатишдаги минимал талаблар ва охириги дастурий воситалар бўйича тўлиқ маълумот берилган бўлиб, педагогларнинг дарсида компьютер билан ишлашига кўмак берувчи дастурий манба ҳисобланади. Дарсликларнинг DjVu форматидидаги электрон версияси тайёрлангани ҳам ўқитувчиларга энгиллик яратади.

Электрон ресурслардаги ҳаракатли ўйинлар, санаш, алифбо ва грамматикани ўргатувчи шеър-қўшиқлар фойдаланувчилар учун жуда қулай. Айниқса, бош-

лига таржима қилинмоқда. "Ифодали ўқиш машқлари", "Викторина саволлари", "Эртақ номини топнинг" танлови, кроссворд ва нутқий машқлар каби 12 йўналишдаги топшириқлар болаларнинг чет тилини ўрганишини осонлаштиради. Масалан, нутқни ривожлантирувчи машқларда қуш тилидан тушунарли тарзда айтилган сўзларни ўқувчи тинглаши ва такрорлаши осон кечеди: book, learn, family...

— Бошланғич синф ўқувчилари учун инглиз тилида аудиолуғатлар ва "ABC" электрон алифбони яратиш, тажрибадан ўтказяпмиз, — дейди ривожлантириш ва тадқиқотлар бўлими бошлиғи Сарвар Мўминов. — Ҳозир "Уй ҳайвонлари", "Сабзавот ва мева номлари", "Transport va yo'l harakati"га бағишланган электрон луғатлар ишлаб чиқилди. Бунда тасвир ва овознинг таъсир кучи орқали бола эътибори жалб қилинади. Масалан, экранда олма расми пайдо бўлиб, "олма" сўзининг таржимаси тушунарли тарзда янгради: "apple". Ёки автобус кўрингач, "bus" сўзи эшитилади. Бу ўқувчиларнинг дарс жараёнида таржималарни такрорлаб, эса сақлаб қолишига кўмаклашади.



дизайнер Элдор Решитов, дастурчи Шухрат Шоназаров, таржимон Дилфуза Зайнобиддинова сингари мутахассисларнинг ҳиссаси катта.

Дарс жараёнида электрон манбалардан боланинг ёшига мос ҳолда фойдаланиш кераклигини ҳам унутмаслик зарур. Ўқув йили давомида 1-синфда 66 соат, 2-4-синфларда эса 68 соатдан чет тилини ўқитиш кўзда тутилган. Бошланғич таълимда ҳар бир машгулотнинг беш дақиқасида содда электрон ўйинлар, қисқа видеолар ҳалар ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этилиши мақсадга мувофиқ. Олайлик, 2-синфда "Алифбо"ни ўрганишга бағишланган дарс давомида аудиоматериаллар ёхуд "Дўконда", "Шифокор хузурида", "Дастурхон атрофида" каби мавзулар доирасидаги лавҳалар қўйиб берилди. Дарсликдаги ҳар бир боб якунида автоматик тест ёки электрон ўйинлар орқали ўқувчи билими мустаҳкамланади.

электрон ўйин болаларнинг билимини мустақил равишда синаб кўриши ва манتيқий фикрлашини ривожлантиришга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, электрон манбалар асосан амалий мақсадга йўналтирилгани боис ўқувчи назарий қоидаларни ёдлашга мажбур бўлмайди. Аксинча, қоидалар асосида бажариладиган амалий машқлар ёрдамида мавзу моҳиятини чуқур тушуниб, чет тили борасидаги билимларини пухталаб боришади. Бинобарин, ёш авлодга чет тилларни ўргатишдан мақсад ҳам бир неча хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиб, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Шоира БОЙМУРОДОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

## Yangiliklarda yurt nafasi



### Анджонда "Махалла институти: миллий демократик анъаналар ва қонунчилиқни тақомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими томонидан ўтказилган давра суҳбатида депутатлар, "Махалла" хайрия жамоат фонди туман, шаҳар бўлимлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролик йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этилди.

Баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатида мазкур қонун лойиҳаларини тақомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

### Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Бадий академияси ва Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан "Илҳом дунёси" деб номланган кўчма кўргазма очилди.

Обод турмуш йилга бағишланган кўргазмага кенг жамоатчилик вакиллари, таъсирий санъат ихлосмандлари ва ёшлар ташриф буюрди.

Фарзандларимизни юксак маънавиятли ва миллий маданиятимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда таъсирий санъатнинг роли беқиёс, — дейди Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Аминжон Қодиров. — Таъбир доирасида ёш раҳбарлар учун ўтказилаётган маҳорат дарслари уларнинг истеъдодини кашф этишга хизмат қилаётди. Давра суҳбатларида ижодкорлар ўзaro фикр алмашиб, келгуси фаолияти юзасидан ҳамкорлик қилишига келишиб олмақдалар.

Кўргазма давомида Навоий маданияти ва санъат коллежида Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари билан учрашув ташкил этилди. Шунингдек, ижодкорлар вилоятдаги ҳарбий қисмлардан бирига ва Нурота туманида барпо этилаётган ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига ташриф буюрди.

### Ургач тиббиёт коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Мустақкам оила — обод турмуш гарови" мавзусида семинар ўтказилди.

Таъбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, "Фаол аёллар", "Истиқбол" ёшлар қанотлари етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, коллеж ўқувчилари, ёшлар иштирок этди.

Семинар иштирокчиларига она ва бола саломатлиги, хотин-қизлар ва ёш оилаларни моддий, маънавий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси билан машғул хотин-қизларни оилавий таъбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мавзуларида маърузалар тингланди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан таъбирда алмашилди.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган коллеж ўқувчилари қўллаб-қувватланди.

### Анджон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча туман ва шаҳарларда "Саломатлик хафталиги" таъбирлари ўтказилмоқда.

Мазкур таъбирлар доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари ҳамда Она ва бола скрининг маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳудудий бўлимлари шифокорларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Туманимиздаги туғиш ёшидаги аёллар ҳамда болалар сифатли тиббий кўриқдан ўтказилди, — дейди Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги Абдурахим Турғунов. — Кўрик жараёнида турли касалликлар аниқланган фуқароларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Хафталик давомида малакали мутахассислар томонидан оилаларда тиббий маданиятни ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди.

**Ўза ва махсус муҳбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Ўзлуқсизлик ва ўзвийлик

### ҳамкорликда таъминланади

Тошкент давлат иқтисодий университетда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Адолат" социал-демократик партияси ижроия қўмитаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида "Таълим тизимидаги ҳамкорлик: устувор йўналишлар, долзарб вазифалар" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Таъбирда таълим тизимидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологияларни қўллаш асосида таълим сифатини ошириш масалалари муҳокама этилди. Жараёнда таълимнинг ўзвийлиги ва ўзлуқсизлигини таъминлашда таълим босқичлари ўртасида ўзаро алоқадорликнинг ўрни муҳимлиги таъкидланди.

### Илмий-амалий анжуман

— Олий таълим муассасалари ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш таъбирлари республикамиз миқёсида амалга оширилмоқда, — дейди таъбирда сўзга чиққан Тошкент тўқимачилик ва енгил санаот институтининг академик лицей ва касб-хунар коллежлари бўйича проректори Равшан Мақсудов. — Институтибизга му-

тахассисликларга мос йўналишдаги 25та касб-хунар коллежи бевосита бириктирилган. Мазкур ўқув масканлари билан ўрнатилган алоқалар моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ахборот-ресурс марказини бойитиш каби ишларни камраб олади. Ўқув-услубий мажмуалар ва янги авлод адабиётларини тайёрлаш борасида ҳам икки томонлама фаолият юритиш муҳим.

Таъбирда олий таълим муассасаларидаги ўқитиш сифатини жорий йил 1 январидан татбиқ этилаётган рейтинг таллавлари даражасига кўтариш бўйича фикр алмашилди.

**Санобар ЖУМАНОВА**

## «Инглиз тилини ўрганамиз»

### Seminar

Учкўргон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ҳамда 43-ИДУМда «Инглиз тилини ўрганамиз» мавзусида ўқув семинар ўтказилди. Таъбирда Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-таъбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга доир вазифалар муҳокама этилди.

Таъбирда ҳудуддаги умумий ўрта таълим мактабларида 20 нафар чет тили фани ўқитувчисига эҳтиёж аниқланиб, мутахассисларни қайта тайёрлов курсларидан ўтказиш, Наманган ва Анджон давлат университетларини чет тили йўналиши бўйича тақомиллаётган талабаларни ишга жойлаштириш чора-таъбирлари белгилаб олинди.

Шунингдек, 1-синф ўқувчиларига дарс берадиган малакали чет тили фани ўқитувчилари рўйхати шакллантирилди. Туман таълим муассас-

саларида хорижий тилларни ўрганиш бўйича амалга оширилаётган таъбибуслар ҳақида ҳам сўз борди. Жумладан, таълим муассасалари раҳбарлари учун жадвал асосида таянч мактабларда инглиз тилини ўқитиш курслари иш бошлади. «Чет тилини ўрганамиз» руқни остида доскалар ташкил қилиниб, кунлик ўрганладиган сўзлар мунтазам ёзиб борилмоқда. Муассасалар инглиз тилини ўрганувчилар учун электрон дисклар билан ҳам таъминланди.

Жума «Инглиз тилида ўзаро мулоқот куни» деб белгиланиб, барча инглиз тилида сўзлашади. Турли таъбирлар, муслиқий кечалар, кўғирчоқ театрлари инглиз тилида намойиш этилади. Мактаб радиоузелларида катта танаффус вақтида инглиз тилида эшиттиришлар олиб борилади.

**О. ЖАББОРОВА,**  
Учкўргон тумани ХТМФМТЭ бўлими методисти

## Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб

Бухоро шаҳридаги 12-умумтаълим мактабида «Ўрган-ўргат» дастури асосида кутубхоначилар семинари бўлиб ўтди. Унда шаҳар мактабларининг қирқдан ортиқ кутубхоначилари ўзаро фикр-мулоҳаза алмашдилар.

— Ўзаро таъбирда алмашиб — доимий ширимиз. Кутубхоначиларга зарурий тавсиялар бериш, илғор кутубхоналар иш таъбирбасини оммалаштиришга эътибор қаратмоқда — дейди шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва мониторинг бўлими дарслик-

### Anjuman

лар бўйича мутахассиси Наргиза Собирова. — Бугунги таъбирда кутубхоначилар бир-бирларига ўргатиб, қўллаб-қўллаб янги таъбирбалардан хабардор бўлдилар.

12-мактаб кутубхоначиси

Мунира Саломованинг таъбирбаси вилоят миқёсида оммалаштирилган. У «Энг яхши кутубхоначи» республика кўрик-танлови ғолиби ҳамдир. Анжуманда малакали ходим энди иш бошлаган ёшларга зиё маскани кундалигини юритиш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, китоб кўргазмалари, ўқувчиларнинг мутолаага кизиқшини оширадиган таъбирлар ўтказиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

**Сора ТОШЕВА,**  
«Ma'rifat» муҳбири

## Математика кечаси

Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида юқори синфлар ўртасида «Математика кечаси» мусобақаси ташкил этилди. Таъбирда ўқувчилар билими синовдан ўтказилди. Машҳур математик олимларнинг ҳаёти ва ижоди, яратган асарлари юзасидан савол-жавоблар ўғил-қизларни мулоҳазага чорлади.

— Мен «Параллелепеднинг ҳажми» деб аталган кўргазми қурол есадим, — дейди 5-синф ўқувчиси Бобур Бобоқулов. — Шишадан тайёрланган ушбу кўргазми қурол юқори баҳолашиб, ғолиб бўлдим. Мусобақалар матема-

тика ва информатика фанига кизиқишимизни янада оширмоқда.

Оқиб дарслар фестивали ўқитувчиларнинг ҳам касб маҳоратини намоён этишига имкон юқори баҳолашиб, ғолиб олган собиқ ўқувчилар — бу-

гунги кунда турли соҳада меҳнат қилаётган олимлар билан учрашув ўтказилди.

«Энг яхши математика ва информатика дафтари» ҳамда «Менинг ихтиром» кўрик-танловларида мактабнинг барча синф ўқувчилари фаол иштирок этди. Ғолибларга мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалиқ совғалари топширилди.

**А. СОДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

## Касбинг — бахтинг

### Tadbir

Анджон шаҳри халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидagi умумтаълим мактабларида «Киз боланинг касби — унинг бахти» мавзусида оналар йиғилиши бўлиб ўтди.

Кизларни турмушга тайёрлаш, жамиятда ўз ўрнини топиш учун муносиб касб танлашда энг яқин маслаҳатчи ва кўмакчи оналардир. Таъбирни ўтказишдан асосий мақсад ҳам фар-

зандларининг кизиқишларига оналарнинг эътиборини ошириш эди.

Шу кунги ўқувчи-қизлар ўзлари тайёрлаган буюмлар асосида кўргазмалар, бадий чиқишлар ташкил этди.

Йиғилиш жараёнида касбий танлов бўйича сўровнома ва тест ўтказилди. Натижалар ўрганилиб, амалиётчи психолог ва устоз-мураббийларнинг тавсиялари тингланди.

**О. СИДДИҚОВ**

Ёшларимиз китоб мутолаасидан узоқлашиб бораётгани, кўпчилигининг фикру хаёлини интернет бутунлай банд этиб қўяётгани бор гап. Донишманд халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган турмуши иборалари ёдга тушади: «Танганинг икки томони бор», «Таёқнинг ҳам икки учи бўлади»... Лекин ўғил-қизларимизни ҳар қандай ҳолатда тўғри хулоса чиқариб, ўзига бўйсундириши мумкин бўлган имкониятларнинг ижобий жиҳатларидан фойдалана олишга ундаш эса катта меҳнат, сидқидиллик, ибрат ва намуна талаб этади.

Навоий шаҳрининг марказида жойлашган «Фарҳод» маданият саройи жамоаси шу маънода катта ижобий ишларни амалга оширмоқда. Ушбу муассасада фаолият юритаётган кутубхона, таъбир жоиз бўлса, «Кўпчи-

ларда ҳукмрон соқинлик, озодаллик ва ҳар бурчақда ўз жилвасини кўрсатаётган но-зик диднинг ўзи китобхонни ўзгача бир мунаввар оламга бошлаб киради. Унинг руҳияти осойиш топиб, маънавий оламини ёритувчи нур



### Kutubxona — nurxona

# ҲАР ЎНИНЧИ НАВОЙЛИК — «ФАРҲОД»НИНГ ЎҚУВЧИСИ

лик китоб varaқламай қўйди. Уларни ўқув заллари-га жалб этиш машаққат...» маъносидаги хулосаларнинг нотўғрилигини амалда исботламоқда. Негаки, олиб борилган кузатишлар ва ҳисоб-китоблар Навоий шаҳрида истиқомат қилаётган аҳолининг ҳар ўн нафаридан бири ана шу гўшанинг доимий аъзоси эканини кўрсатади. Нурхонага ташрифнинг шарофати шундаки, бу масканга қадам қўйишни ният қилган киши, албатта, ўзига нима кераклигини билади. Дўконга киргандек вақтини бесамар ўтказиб айлана-айлана чиқиб кетмайди. Қўлга китоб ёхуд газета олади, демакки, қўйди...

Уч қаватдан иборат шинам ва осуда хоналарда ўқув зали, маънавият ва маърифат, даврий нашрлар, болалар ва катталар учун хизмат кўрсатиш каби қатор бўлимлар жойлашган. Хона-

— китоб ўқиш, ўқишдек лаззатга ошно бўлиш рағбатини туяди. Кутубхонада ўзбек, рус, инглиз тилларида жами икки юзу эллик минг нусха китоб жамланган. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ва «Фарҳод» маданият саройи маъмуриятининг эътибори билан ўтган йилнинг ўзида турли йўналишлардаги икки мингта китоб яна нурхона жавонларини тўлдирди.

— Бу даргоҳга ҳар куни ўнлаб турли ёшдаги кишилар кириб келади, — дейди ўттиз йиллик умрини дилларга зиё улашишдек хайрли ишга бахшида этган кутубхона мудираси Светлана Желтикова. — Улар орасида ёшлар, ишчи, хизматчи, зиёлилар, нафақахўрлар бор. Муассасамизга қадам қўйган ҳар бир китобхоннинг талаб ва истаклари, қизиқिशларини ҳурмат билан тинглаб, керакли ўринларда маслаҳатлар бериб,

хушнуд жўнатиш олдимишга қўйилган биринчи талабдир. Саксондан ортиқ номдаги даврий нашрларнинг ўз вақтида келтирилишига ҳам жиддий эътибор қаратамиз. Жамоамиз аҳил ва бирдам. Қизгин ижодий муҳит қарор топганки, гарчанд қирқ йилдан ортиқ меҳнат қилган бўлса-да, устозларимиз яқиндагина иш бошлаган шогирдидан ўрганишдан завқланади, тажрибаларини ўргатишдан сира эринмайди. Яна шуниси эътиборлики, жамоамиз вакиллари-нинг аксарияти ўттиз-қирқ йиллик ҳаётини китоб мутолаасини тарғиб этишдек эзгу иш билан боғлаган, бошқа касбни ихтиёр этишни тасаввур ҳам эта олмай-диган фидойилардир.

— Биз тез-тез китоб кўргазмалари, адабий ўйин ва викторина сингари тadbирлар ташкил этиб борамиз, — дея суҳбатимизни давом эттиради хизмат

кўрсатиш бўлими бошлиғи Надежда Капина. — 17 нафар мактаб ўқувчиси ва 16 нафар катталардан иборат гуруҳлар иштирокидаги «Ким?, Нима?, Қачон?» интеллектуал клуби мунтазам иш олиб бораётир. Ҳар шанба куни ушбу клуб аъзолари бошқа шаҳар ва вилоят кутубхоналарида фаолият юритаётган китобхонлар жамоалари билан илму тафаккур

бобида беллашадилар ва аксарият ҳолларда «Фарҳод»нинг китобхоналари голиб келади. Кутубхонада барчага бирдек қулайлик туғдирувчи маълумотлар базаси, каталог ва картотекалар тизими яратилган. Ўтган йилнинг ўзида ўн беш мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатилган бўлса, улардан қарийб беш мингга яқинини ёшлар ташкил этди.

Навоий кундан-кун тараққий топаётган кимёгарлар, саноатчилар шаҳри. Тезкор замоннинг шиддати бу гўшада янада яққолроқ намоён бўлади. Лекин кутубхона ҳар доимгидек осуда. Хотиржам кўнгиллар илм излаш, ўрганиш, кашф этиш, маънавият сарчашмаларидан тафаккурини бойитиш, дунёга янада теранроқ боқиш, жамиятга ҳар доимгидан-да кўпроқ нафи тегмоғи учун ҳикматлар бўстониға қулоқ тутишдек, эҳтимол, неча йиллардан сўнг мевасини берадиган МУТОЛАА иштиёқи билан банд. Аслида улуг мутафаккир номи билан аталган юртнинг дадил одимлари ана шундайин илму урфон ошиёнларидан бошланади. Ҳазрат Навоийнинг эзгу ўйларидан яралган сиймо номин олган «Фарҳод» маданият саройи кутубхонаси сўз санъаткори тилакларининг рўёби учун-да хизмат қилаётир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Нукус шаҳридаги «Баркамол авлод» маркази иқтидорли ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган.



Замонавий шарт-шароитга эга марказда техник ижодиёт, бадий ва ўлкашунослик йўналишларида 15 тўғарак ташкил этилган. Аини пайтда бу ерда 430 нафар ўқувчи дарсдан сўнг бўш пайтини самарали ўтказиб, илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантирмоқда. Марказга тажрибали педагоглар жалб қилинган. Улардан сабоқ олаётган ўқувчи-ёшлар орасида республика ва мамлакатимиз миқёсидаги танловларда муваффақият қозонаётганларнинг сафи кенгайиб бораётир.



Суратларда: (ўртада) тўқувчилик тўғараги раҳбари Гулнабат Сарибоева ўқувчилар билан машғулота, Нукус шаҳридаги «Баркамол авлод» марказида. Максад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Дарс жараёнига замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омиллардан. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизimini янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, юртимиз таълим тизимида илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланишга катта эътибор қаратила болади. Ўқитувчиларнинг бу борадаги билим ва малакаларини ошириш ҳам долзарб масалага айланди.

## ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси мазкур қарор ижросини таъминлашга катта эътибор қаратиб, барча олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида инновацион педагогик технологияларни жорий этишга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, «Ma'rifat» газетасида эълон қилинган (2013 йил 2 февраль) жамғарманинг ижрочи директори Абдунаби Пардаевнинг «Малака ва маҳорат сабоқлари таълим ривожини таъминлаш ҳамда ўқувчи ва талабалар билан ишлашда ўз самарасини беради» деб номланган мақоласида жамғармада бу борада қилинаётган ишлар, хорижий мутахассислар томонидан ўтказилган «Case-study» технологияси курслари хусусида ахборот берилди.

Мен ҳам ушбу курс тингловчиларидан бири сифатида Малайзиянинг Ташқи ишлар ва дипломатия университети профессори Муҳаммад Ридзуан Муҳаммад Шариф ва Хитойнинг Шанхай университети профессори Ма Жин Хуа жанобларининг ўз давлатларида қўлланиб келинаётган «Case study» технологиясининг асосий натижалари ва ютуқлари билан танишишга

муваффақ бўлдим. Ўз навбатида, мазкур курс дарслари қизгин муҳокамалар ва тингловчиларнинг юксак педагогик салоҳияти Ўзбекистон «Case study» технологиясидан таълим жараёнида фойдаланишда ўз тажрибасига эга бўлиб бораётганини кўрсатди. «Истеъдод» жамғармаси ёрдамида чет эл тажрибасини ўрганиш эса тингловчилар маҳоратини янада ошириш имкониятини бермоқда.

Курслар жамғарманинг фол ходимлари томонидан юксак савияда ташкил қилинган бўлиб, дарслар замонавий технологиялар ёрдамида бутун Ўзбекистон олий ўқув юртиларига трансляция қилиб борилди. Натижада юртимиздаги барча илмий-педагог кадрлар чет эллик профессорларнинг «Case study» технологиясида амалий дарс олиб бориш жараёнини кузатиш имконига эга бўлди.

Ишонамизки, «Case study» сингари инновацион педагогик технологияларни таълимга кенг жорий қилиш юртимизда таълим сифатини янада ошириб, олий ўқув юртиларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ўқув жараёнига илмий ёндашишини таъминлайди.

Замирбек ФАЙЗУЛЛАЕВ

# ҚАДИМИЙ ҚАЛЪАДАГИ ДАРС

унда ота-оналар ва маҳалла фаоллари ҳам иштирок этди

Дилноза шоша-пиша нонушта қилиб, якшанба куни бўлишига қарамай мактаб томон ошиқди. Чунки улар бугун «Мозийга саёҳат» тадбири доирасида муқаддас қадамжого сайр уюштиришмоқчи.

Ўқувчилар онгига тарихий билимларни сингдиришда саёҳат дарслари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «Обод турмуш йили» давлат дастурида ҳам болаларни қадимий ва муқаддас гўшаларга олиб бориш, уларни кўхна ўтмиш ёдгорликлари билан таништириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда таъкидланганидек, бундай саёҳатлар ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиб, Ватанга муҳаббатини кучайтиради.

Устози «Дам олиш куни туманимиз чеккасида жойлашган қадимий истеҳком — Қалъажикқа саёҳат қиламиз», деганидан буён Дилноза бу кунни сабрсизлик билан кутаётган эди. Бобоси унга кўхна иншоот ҳақида гапириб берган, аммо у қалъага бирор марта ҳам бормаган. Бугун эса қалъани яқиндан, ўз кўзи билан кўради.

Нурафшон шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Азимбой Матниёзов саёҳат учун улов масаласини ҳал қилди — ўқувчилар устозлари ҳамроҳлигида кичик автобусга жой-

ли фарқсиз, деган хулосага келишди.

— Кўл суви жуда кўп фойдали элементларни ўзида жамлаган, — дейди ота-оналардан бири, олий тоифали шифокор, саёҳат иштирокчиси Ҳайитжон Рўзметова. — Минерал тузларга бой.

Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизга эътибор кучайди. Муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар Президентимиз раҳнамолигида қайта тикланиб ободонлаштирилди. Бундай ўзгаришлар Қалъажик бағрига ҳам етиб келди, унинг атро-

### Oila — mahalla — ta'lim muassasasi hamkorligi

лашишди. Ота-оналар ва маҳалла фаоллари ҳам кўхна қалъа сари йўлга тушди. Йўл-йўлакай тарих фани муаллимаси қалъа ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.

— Қалъажик... Богот тумани худудида жойлашган қадимий қалъа. У худди эртакларда тасвирланган тилсимли қасрга ўхшайди. Қум барханлари ортидан мовий кўл мавжланади, унинг адоғи деворлари кўкка буй чўзган кўхна истеҳком сатҳига туташади. Истеҳком қарийб уч минг йилдан бери кад ростлаб турибди.

Бир замонлар Фарб ва Шарқни туташтирган Буюк ипак йўлининг савдо қарвонлари Хоразм диёрининг Хива ҳамда Ҳазорасп қалъаларида тўхтаб тин олган. Шу икки шаҳар оралиғида эса Қалъажик жойлашган. Қарвонлар учун Қалъажик аниқ мўлжал олиш, пича нафас ростлаб йўл чарчоғини унуттиш жойи бўлган.

— Қалъа номи «кичик кўрғонча» деган маънони англатади, — дея ўқувчиларга маълумот берди манзилга етиб боришгач Богот туманидаги 3-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг тарих фани ўқитувчиси Манзура Аҳмедова. — Ўтган аср охириларида қалъани ўрганиш жараёнида қайси даврда бунёд этилганига аниқлик киритилди. Тадқиқотларда истеҳкомнинг 2700 йилдан зиёд ёшда экани исботланди. Воҳадаги яна кўплаб қалъалар унга тенгдош. Эрамизнинг биринчи асрида қалъа атрофига мудофаа мақсадида 9—12 метрли пахса деворлар тикланган. Вақт ўтган сари деворлар нураб кетган. Маҳаллий аҳоли бу ерни «Довудқалъа» деб ҳам атайдди. Истеҳком бағрида кўплаб сир-синоатлар яшрин — қалъа ҳали тўлиғича ўрганилган эмас.

Қалъанинг ички майдони юмшоқ шўрхоқ тупроқ билан қопланган. Ташқарисида эса унча катта бўлган қўл бор. Кўл суви шу даражада тузга бойки, таркибини ўрганган мутахассислар Ўлик денгиз сувидан деяр-

фада янгича ҳаёт жонланди. Энди бу ерга фақат ёз ойларида эмас, йилнинг тўрт фаслида ҳам саёҳат қилиш мумкин.

Мўъжизакор қалъанинг таърифини эшитган хорижликлар ҳам Хива зиёратидан сўнг, албатта, Қорақум бағридаги кўхна истеҳком сари ошиқаётди.

Қадимда улкан аҳамият касб этган кўхна Қалъажик ҳақидаги маълумотларни эшитган, тарихий гўшани янада яхшироқ билиб олиш учун ўқувчилар ишга киришиб кетди. Кимдир девор узунлигини қадамлаб ўлча-япти, кимдир пахса тепасигача неча метр келишини аниқламоқчи, кимдир қалъа суратини мароқ билан чизаётди.

Маҳаллий халқ орасида қалъа билан боғлиқ афсоналар кўп. Ҳар қандай афсона ҳақиқатдан дарак беради. Неча минг йиллик тарихнинг гувоҳига айланган Қалъажик саёҳатидан ўқувчилар бир олам таассурот билан қайтди.

— Қадимий қалъа ва шифобахш кўл ҳақида кўпчилик маълумотга эга эмас, — деди саёҳатдан таъсирланган 8-синф ўқувчиси Зоҳиджон Шерзонов. — Юртимизда эса бу каби тарихий дурдоналар ниҳоятда кўп. Ҳар бирининг ўтмиши ўзига хос ва қизиқарли.

— Келажакда, албатта, тадқиқотчи бўлман, — деб кўнглига тугди мактаб-интернатнинг 9-«А» синф ўқувчиси Дилноза Мавлонова. — Қалъа бағрида илмий изланишлар олиб бориб, кўплаб ҳақиқатларнинг юзага чиқишига, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини очишга ўз хиссамни қўшаман.

**Богот туманидаги 3-ИДУМИ Нурафшон шаҳарча фуқаролар йиғини ва ота-оналар билан мустаҳкам ҳамкорлик режасини ишлаб чиққан. Ундан Хоразм воҳасидаги яна кўпдан-кўп тарихий обидаларга саёҳат дарсларини уюштириш ҳам ўрин олган.**

Юлдуз ХОЖИЕВА,  
журналист

Инсоният ахборот технологиялари юксак тараққий этган даврда яшаётган бир пайтда ҳеч бир фан ривожини, жумладан, ўзбек тилшунослиги тараққиётини ҳам бу технологиялардан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Жаҳон тилшунослигида санок усули — частоталарни ҳисоблаш ишлари ўтган асрнинг бошларидан қўлланилган, бир қанча мукаммал частотали луғатлар яратилган эди. Бугун ҳаётимизга муҳандислик лингвистикаси, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси сингари йўналишлар кириб келиши натижасида эса матни лингвистик таҳлил этишининг янги-янги имкониятлари яратилди. Ҳозирги кунда тил материалини математик-статистик методлар ёрдамида ўрганиш ана шундай имкониятлардан биридир.

унинг сўз бойлигини аниқлашда Г. Жуманазарова методологик жиҳатдан тўғри бўлган бир қанча лисоний принциплар асосида иш олиб борган. Масалан:

1) сўзнинг фонетик вариантлари алоҳида-алоҳида сўз(масалан, *тов — тоғ, гах — гоҳ, пошо — подшоҳ — пошо; зўрабор—зўравон...*) ҳисобланган;

2) барча сўз туркумларига оид сўзлар алоҳида сўз деб олинган;

3) лексемаларнинг шакл-

сўзшакллари миқдори аниқлаб олинган.

Масалан, "Ширин билан Шакар" дostonида 23534 сўз(6210 сўзшакл), "Фарҳод ва Ширин"да 16884 сўз (4857 сўзшакл), "Нурали"да 16316 сўз(5165 сўзшакл) қўлланганлигини частотали луғатлардаги маълумотлар тўла тасдиқлайди. Умумий ҳисобда дostonларда 196976 луғавий бирлик қўлланганлиги маълум бўлади. Тадқиқотчи учун қўлланилган сўзларнинг тахминан

## Millat mulki

ҳам белгилаш имконияти маъжуд бўлади. Луғатлар охирида умумлаштирилган ҳолда сўз шакллари ва уларнинг умумий қўлланиш миқдори берилган. Бундай лексикографик манбалар тилшунослиқда конкорданс номи билан юритилишини ҳисобга олсак, Гулжаҳон Жуманазарованинг дostonлар бўйича тузган алифболи луғатларини конкорданс дейиш мумкин.

Тадқиқотчи томонидан частотали луғатлар деб номланган иккинчи лексикографик манбанинг юқорида таъкидланган алифболи луғатдан муайян фарқлари бор. Ташқи томондан қараганда бир сўзшаклнинг неча марта ва матннинг қайси саҳифаларида учрашини кўрсатиши жиҳатидан алифболи луғатларнинг айнан ўзига ўхшайди. Аммо луғатнинг бу тиپида сўзларга алифбо тартибида эмас, балки сўзшаклларнинг қўлланиш даражасига қараб, кўпдан камайишга, юқоридан пастга қараб тартиб берилган. Аниқроқ қилиб айтганда, частотали луғатлар ўз таркибига кўра: а) сўзларнинг қўлланиш кўрсаткичлари луғати; б) энг кўп частотали сўзлардан бошланиб энг кам частотали сўзлар томон камайиб борадиган луғат; в) энг кам частотали сўзлардан бошланиб энг кўп частотали сўзлар томон кўпайиб борадиган луғатлардан иборат.

Кўрамизки, сўзли ва частотали луғатлар тузилгандан кейин уларда қўлланилган сўзларни бемалол илмий амалий равишда қовиштириб ўрганиш имкониятлари яратилган. Бу имконият юқорида номи тилга олинган 9 дostonдан қўлланиш даражаси энг юқори бўлган 100та, 1000та, 2000та, 5000та, 10000та сўзни бир жойга тўплаб, тилшунослиқнинг қайси соҳаси ёки тармоғи бўлишидан қатъи назар, илмий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот-луғатларни Гулжаҳон Жуманазарованинг фидойилиги ва сермашаққат ишларининг натижаси деб қараш лозим. Лексикографик манбалардаги лисоний материаллар Фозил шoir дostonлари тилининг ўзига хос хусусиятлари, юқори ва кам частотали сўзларнинг нисбати, шoirнинг сўз қўллашдаги маҳоратини белгилашда, асарлари тилининг изоҳли луғатини яратишда ишончли манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Э. УМАРОВ,  
филология фанлари  
доктори, профессор,  
Ф.ИБРОҲИМОВА,  
филология фанлари  
номзоди

# ҲАМ ТАДҚИҚОТ, ҲАМ ЛУҒАТ

Ўзбекистондаги дostonчилик мактабларининг йирик вакилларидаан ёзиб олинган дostonлар тилини компьютер технологиялари асосида ўрганиш ҳозирги тилшунослигимиз олдидаги муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, ёш олима Гулжаҳон Жуманазарованинг йиллари Булуғур дostonчилик мактабининг вакили Фозил Йўлдош ўғли қўйлаган "Балогардон", "Баҳром ва Гуландом", "Малика айёр", "Зевархон", "Рустамхон", "Нурали", "Ширин билан Шакар", "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" каби анъанавий дostonларнинг лексикографик манбаларини алоҳида-алоҳида чоп этириши қувонарли ҳол.

Дostonлар ҳам тадқиқот, ҳам луғат характериға эға. Боиси, ҳар бир луғатнинг дастлабки қисмида ўзбек тилшунослигида олиб берилган лингвостатистик тадқиқотлар таҳлил қилинган, халқ дostonлари тили ва услубий хусусиятларини аниқлашда қўл келадиган лингвостатистик метод ва усулларнинг аҳамияти, халқ дostonлари луғатларини тузишдаги принцип ва вазифалар ҳақида сўз юритилган. Шундан сўнг эға ҳар бир дostonнинг сўзлик, алифболи, частотали ва терс (чашпа) луғатлари берилган.

Бу луғатлар, энг аввало, Фозил шoirнинг анъанавий дostonлари лексик бойлигини аниқлаш ва тадқиқ этишга хизмат қилади. Шoir дostonларига асос бўлган ўзбек шевадарини, хусусан, ж-ловчи қипчоқ диалектиға хос сўзларни аниқлаш ва тўплашға, эпик дostonлар тили бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ва навбатдаги тузиладиган луғатлар учун материаллар йиғишға, ўзбек халқ дostonлари бўйича янги тузиладиган изоҳли луғатларға илгари берилмаган ва қайтариқ бўлмаган

материалларни беришға, ҳозиргача тузилган ўзбек шевадарининг изоҳли луғатларига янги-янги қўшимча материаллар киритишға ёрдам бериши билан ҳам муҳим илмий-амалий аҳамиятта эға.

Тадқиқот-луғатларни тузишда дostonларнинг матни эълон қилинган нашрда қандай бўлса, шундай ҳолича, ҳеч бир ўзгартирмасдан замонавий компьютер хотирасига киритиш муаллифнинг амалиётдаги дастлабки вазифаси бўлган. Тилшунос А.Иброҳимовнинг "Конкорданс тузишда энг қийин ва масъулиятли вазифа — компьютерға киритиладиган матннинг беҳато бўлишини таъминлашдан иборат. Нуқсонли нашр, матн асосида конкорданс тузиш муаллиф тили ҳақида хато тасаввур пайдо қилиш, нотўғри хулосаға келиш демақдир" — деган мулоҳазани инобатта олиб, Г.Жуманазарова таҳлил этилган дostonлар матнининг имкон қадар тўғри бўлишиға ҳаракат қилган. Амалиётда фойдаланишға кулай бўлиши учун қўлланилган сўзнинг миқдори ва қавс ичида нашрдаги саҳифа рақамларининг луғатда ҳам сақлаб қолинганлиги мазкур лексикографик манбаларнинг ишончли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбек тилидаги муайян асар ёки шoir, адиб тили лексикасига бағишланган тадқиқотларда муаллиф сўз бойлигини белгилаш масаласида ягона принцип ишлаб чиқилмаганлигини, айрим ҳолларда имлонинг турғун эмаслиги, қўшма сўзлар имлосидаги ҳар хиллик шoir-адиб сўз бойлигини аниқлашда қийинчилик келтириб чиқаришини, масалан, *қоракўз — қора кўз, парипайкар — пари пайкар* каби ҳолатларни ҳисобга олиб, Фозил шoirнинг анъанавий дostonларида ишлатилган сўзлар сонини, яъни

лари(шахс-сон, келишиқ қўшимчалари билан, феълнинг замон, шахс-сон, нисбат, турли майллардаги шакллари) сўзлик луғатида битта сўз: масалан, *гул, гули, гулдай, гулнинг, гулдайин* кабилар битта сўз(*гул*); *гарё, гарёгай, гарёгайин* кабилар битта сўз(*гарё*); *бўта, бўтагай, бўтагайин* кабилар битта сўз(*бўта*); *олма, олмагай, олмагайин* кабилар битта сўз(*олма*) ҳисобланган;

4) бирикмалардаги сўзлар алоҳида луғат бириги си-фатида: масалан, *очилган гулдай бирикмасидаги очилган ва гулдай сўзлари алоҳида олинган;*

5) ва боғловчиси(-ў, -ю) билан келган жуфт сўзлар алоҳида сўз деб олинган;

6) боғловчи, кўмакчи, моддал сўзлар ҳам алоҳида сўз ҳисобланган;

7) сўзларнинг алифболаштирилишида компьютерда кирилча, лотинча ҳарфларни қодлаштириш билан боғлиқ бўлган камчиликлар ҳам инобатта олинган.

Фозил шoir дostonлари матнини лингвостатистик тадқиқ этиш масаласига тадқиқотчининг мутлақо янги методлар асосида ёндашишиға тўғри келган. Шу мақсадда у шoir ижодий меросининг асосий қисмини қамраб олган тўққизта дostonни тадқиқот материали қилиб олган ва «Алпомиш» дostonидан қиёслаш мақсадида фойдаланган. Тадқиқотчи иш давомида С. Ризаевнинг қадаршларига, унинг «Лингвистик тадқиқотларда танлама ҳажми (N) қанчалик кўп бўлса, қутилган натижа шунчалик ишончли ва самарали бўлади» деган фикриға асосланиб, лингвостатистиканинг текшириш методларидан бири бўлган **танлама методиға** таянган ҳолда бу дostonларнинг электрон нусхаларини шакллантирган. Натижада ҳар бир дostonдаги сўз ва

200.000ға яқинлиги шoir қўйлаган дostonлар матнининг статистик структура-чи ҳақида муайян хулосалар чиқаришға асос бўла олган. Шу тарзда Фозил шoir қўйлаган дostonлар матнининг электрон нусхалари яратилиши билан тадқиқотчи ўз олдиға қўйган биринчи ва энг асосий вазифани амалға оширган. Бу иш бажарилиши билан тадқиқотлар жараёнида компьютер техникаси имкониятларидан фойдаланишға кенг йўл очилганиға шубҳа қолмайди.

Ҳар бир луғат ўзига хос хусусиятларига эға матн таҳлилда алоҳида вазифаларни бажаришға хизмат қилган. Масалан, дастлабки алифболи луғатларни олайлик: уларда сўзлар алифбо тартибида, муайян сўзшаклнинг неча марта ва матннинг қайси саҳифаларида учраганлиги ҳақидаги статистик маълумот берилган. Луғат мақолаларининг берилишида матни ҳеч қандай ўзгаришларсиз олиш принципиға амал қилинган. Масалан, ҳаракатнинг бир турини ифодаловчи бирлик феъл ноаниқ — *айламоқ* шаклида эмас, балки матнда қандай учраса шу кўри-нишда — *айла, айлаб, айлаган, айлагин, айлади, айладинг, айлайин* тарзида берилган. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, компьютер ўзақдош сўзларни умумлаштириб бериш имкониятиға эға эмас, у фақат тил бириги қандай шаклда бўлса, шундайлигиға келтиради ва умумлаштира олади. Иккинчидан, тил элементларининг ўзгаришсиз ҳолатда берилиши тадқиқотларда аниқликка хизмат қилади. Асосий тил бириги саналадиган сўз, унинг турли шакллари семантик ва грамматик таҳлил қилиш учун кулай имкониятлар яратади. Бу луғатлар ёрдамида ҳар бир ҳарф доирасидаги сўзларни





**2013 йилда қишлоқларда имтиёзли КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндоғи уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдониغا эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳақида текис ва равион йўлларга эга;



• Янги уйда оилавиқ билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

**Оилавиқ учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маънавий оилавиқ режасар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янгида жасирок турмуш тарти ҳақида оилавиқ тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади;

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармов ва фарзандларучун мерас.



**Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатисизни қўлайтириш имконияти;
- Имтиёзли фоиқ ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маоин миқдори йиллар давомида қўлайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежабкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавиқ қурилиш маълари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган тўдратиқ қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узғуржи нархларда юқори сифатли замонавиқ қурилиш маълари.



**Марҳамат, муружаат қилинг!**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Қамолот" ЕИХ бўлиғмазориға;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвести" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36  
 Тел.: (+998 71) 150-93-39  
 Факс: (+998 71) 150-39-93  
 www.qqb.uz  
 e-mail: headoffice@qqb.uz

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи 2012 йилда умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларига харид қилинаётган компьютер техникаларини кириш техник назоратидан ўтказиш (техник кўрсаткичларнинг мослиғи, сифатлилиғи ва янгилиғи ҳамда ишчи ҳолатдалиғи) хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотларни танла олиш бўйича танлов (конкурс) эълон қилади**

Танлов очик турда ўтказилиб, унда таълим муассасалари учун харид қилинаётган замонавиқ компьютер техникаларининг техник кўрсаткичларини ўрганиш бўйича мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган барча хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

**Умумтаълим мактабларининг компьютер синфи учун компьютер техникалари (бир тўплами):**

- |   |   |      |
|---|---|------|
| 1. Ҳқитувчи учун компьютер (принтери билан) — 1 дона. | } | 14+1 |
| 2. Ҳқувчи учун компьютер — 14 дона.                   |   |      |
| 3. Стабилизатор — 1 дона.                             |   |      |
| 4. Кондиционер — 1 дона.                              |   |      |

Умумтаълим мактабларининг компьютер синфи учун компьютер техникаларининг 773 тўплами 14+1, 76 тўплами 12+1, 46 тўплами 10+1, 14 тўплами 8+1, 9 тўплами 6+1ни ташкил этади.

**Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг компьютер синфи учун компьютер техникалари (бир тўплами):**

- |   |   |     |
|---|---|-----|
| 1. Ҳқитувчи учун компьютер (принтери билан) — 1 дона. | } | 7+1 |
| 2. Ҳқувчи учун компьютер — 7 дона.                    |   |     |

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг компьютер синфи учун компьютер техникаларининг 75 тўплами 7+1ни ва алоҳида 427 нафар Ҳқитувчи учун компьютер (принтери билан)ни ташкил этади.

Танловда иштирок этиш истағини билдирган корхона ва ташкилотлар:

- корхона фаолияти давомида ушбу соҳа бўйича кўрсатган хизматлар тўғрисида (имзоланган шартномалар ва амалга оширилган ишлар ҳажми ҳамда уларнинг нухаси илова қилинган) маълумотнома;
- хизмат кўрсатиш ва иш фаолияти учун ўзининг биноси ҳамда тегишли ускуналарининг (ишлаб чиқариш биноси, махсус лабораториялари, дастгоҳлари ва омборхонаси) мавжудлиғини тасдиқловчи ҳужжатининг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нухаси;
- Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб кейинги даврга бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлиғини тасдиқловчи маълумотнома (солиштирма далолатнома билан бирга);
- талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб кейинги даврга асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиғини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;
- танловда иштирок этиш учун корхона томонидан муружаат хати билан биргалиқда тижорат таклифлари ва талаб этилган ҳужжатлар ёпиқ жилд (конверт)да тақдим этилади.

Бунда нарх таклифлари ҳар бир тўплам (14+1, 12+1, 10+1, 8+1, 7+1, 6+1 тўплами ва Ҳқитувчи учун компьютер) учун қуйидағи жадвал асосида алоҳида нарх таклифлари кўрсатилади:

Т/р	Бир тўплам (компьютер техника)нинг нархи	Ўлчов бирлиғи	Барча тўплам (компьютер техника)ларини техник кўриқдан ўтказиш учун нарх таклифи		Сайланма тарзда тўплам (компьютер техника)ларини техник кўриқдан ўтказиш учун нарх таклифи		Ишнинг бажариш муддати (кун)*
			сони	нархи	суммаси	сони	
<b>Умумтаълим мактаблари учун</b>							
1	14+1 тўплами учун	тўплам	773				
2	12+1 тўплами учун	тўплам	76				
3	10+1 тўплами учун	тўплам	46				
4	8+1 тўплами учун	тўплам	14				
5	6+1 тўплами учун	тўплам	9				
<b>Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун</b>							
1	7+1 тўплами учун	тўплам	75				
2	Ҳқитувчи учун компьютер	дона	427				
<b>жами:</b>							

Мазкур компьютер техникалари сайланма тарзда техник кўриқдан ўтказилганда умумий синф тўпламининг 50 фоизидан кам бўлмаслиғи шарт.

Шунингдек, мазкур танлов (конкурс)да "Етказиб берувчи" билан ҳамкор (тендерда иштирок этишда) ташкилот ва корхоналарнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун жами режалаштирилган маблағ миқдори 50,0 млн. сўмни ташкил этади.

Танловда иштирок этиш истағини билдирган корхона ва ташкилотлар таклифлари танлов ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) 10 кун муддатда таклифларини қабул қилишнинг охириғи кунига қадар ҳар куни соат 10.00дан 17.00гача қуйидағи манзилда қабул қилинади:

**100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони – 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи.**  
 Тел.: (8-371) 239-41-11, 239-47-07, 239-88-52, 239-18-24  
 Факс: (8-371) 239-89-58

Шунингдек, қўшимча маълумотларни эълон чиққан кундан бошлаб Халқ таълим вазирлиғининг [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) электрон сайтидан олиш мумкин.

# ҚЎРҚИТИБ ТАРБИЯЛАШ

салбий оқибатларга олиб келади

*Танишимнинг уч яшар қизи хонада ёлғиз қолишдан қўрқадиган, йиғлаб уйғониб кетадиган одат чиқарибди. Психологнинг айтишича, бунинг сабаби болани қўрқитиш, унга нўписа қилиш билан боғлиқ экан. У баъзан қизалогини "Тўполон қилсанг, «қора одам»га бериб юбораман" деб қўрқитганини тан олди. Ҳа, ота-она йўл қўйган ҳар бир хатолик, шак-шубҳасиз, бола руҳияти ва онгида салбий из қолдиради.*

Фарзандни "Тўполон қилсанг, ола бўжи ёки бабани қақираман", "Ҳозир доктор укол қилади", дея «йўлга солиш» бир қарашда одатий ҳолдек туюлади. Аммо бу бола онги ва руҳиятига салбий таъсир этиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Тарбиялаги бу «усул» табиатан юмшоққўнгли болаларни одами, шўх болаларни эса танбехларга умуман қулоқ солмайдиган қилиб қўйиши ҳаётда кўп кузатишган.

**Дилрабо Умарова, республика "Оила" илмий-амалий маркази илмий ходими:**

— Мактабгача ёшдаги болалар кайфияти вақти-вақти билан бузилиб, нимадандир норози бўлиб йиғлаши табиий. Бундай вазиятда уларни овутиш, албатта, онага катта қийинчилик туғдиради. Шу боис кўпинча болани қўрқитиб тинчлантиришга уринамиз. Тўғри, дўқ қилинган, бола тинчиди, лекин биз бу билан мурғак қалбига қўрқув туйғусини солиб қўямиз. Энг ёмони, фарзандларимиз улғайганидан сўнг ҳам мана шу «исканжа»дан қутулиб кетолмайди. Сал нарсдан хавотирланадиган, ўзини ҳимоя қилолмайдиган, ташаббусни қўлга ола билмайдиган, итоаткор бўлиб қолади. Катталардаги фобия, яъни бирор нарсдан асоссиз қўрқиб ҳам айнан болаликдаги нохуш хотиралар, бошқаларнинг салбий муносабати, ваҳимали воқеаларни тинглаш оқибатида юзага келиши аниқланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қўрқитиш оқибатида болалар турли фобияларга дучор бўлади. Ми-

сол учун, ёшлигида ола бўжи ёрдамида «тинчлантирилганлар» кўпинча умр бўйи қоронғиликдан, ёлғиз қолишдан, ҳатто очиқ майдондан қўрқиб (агофобия) ҳолатини бошлан кечиради.

Аслида ҳам болани овутиш анча мураккаб вазифа. Бунинг энг мақбул йўли йиғлаб бўлишни кутишдир. Баъзида жанжал тўғри қарор қабул қилишни истамаганингиздан ҳам келиб чиқади. Бундай вазиятда йиғлаб тўполон қилиш нотўғри йўл эканини, одам истаган нарсасига хўшмуомалалик билан эришиши мумкинлигини эриямли тушунтириш мақсадга мувофиқ. Зинҳор жаҳл отига миниб, тазийқ кўрсатиш керак эмас.

**Зуляфа Хусайнова, Мирзо Улугбек туманидаги 390-санаторий типидagi мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси:**

— Бир куни қизчасини олиб кетгани келган онанинг баланд овозда нималарнидир гапираётгани қулогимга чалинди. У фарзандига "Қулоқсиз бўлсанг, сувараклар кўп хонага қамаб

қўяман. Улар сени еб қўйишди", дерди. Мени кўриб эса "Боғча опаси, сизларда ҳам сувараклар борми? Тўполон қилса, қамаб қўясизми?" дея гапини маъқуллашимни кўтди. Онасини ёлғончи қилиб кўрсатишни истамаганим боис бир чеккада алоҳида гаплашдим. Фарзандингиз сиз буюрган

## Kuzatuv

юмушни бажармаса, бундай вазиятда "чалғитиш" усули энг самарали саналади. Масалан, унга ўйинчоқларини йиғиштириш кераклигини айтдингиз, у эса гапингизга парво ҳам қилмади. Шунда бирор қизиқарли буюм кўрсатиб, ўйинга қизиқтирсангиз, "йўқ, истамайман" деган кайфияти дарҳол тарқалади. Бироз ўтган, ўйинчоқларини йиғиштириб қўйиши лозимлигини тушунтирасиз, у айтганингизни албатта бажаради.

Баъзи болалар доимо онасининг этагини ушлаб юриди. Онаси ёнида бўлмаса ухламайди ҳам. Бундай ҳолат-

га қўрқитиш сабаб бўлиши мумкин. Она тўполон қилатган фарзандини қўрқитувчи гаплар билан бир муддат тинчлантиради, аммо болада "Онам мени ола бўжига бериб юборди, у мени ёмон кўради", деган фикр пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. "Ух-ламасанг, баба келади", деб итнинг ақиллашига ишора қиладиган ота-оналар билиб-билмай фарзандида ҳайвонларга нисбатан қўрқув, нафрат уйғотиб қўяди.

**Нигора Азимова, Чилонзор туманидаги 281-умумтаълим мактабининг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси:**

— Биринчи синфга ҳар хил оилавий шароитда тарбияланган болалар келади. Тажрибамдан биламанки, ўзини доимо четга олади, фикрини айтишга ботина олмайдиган болалар ота-онанинг нотўғри муносабати оқибатида шундай бўлиб қолишган. Соғлом турмуш тарзи барқарор оилада ўсган ўқувчилар эса дарсларда фаол бўлишади, билмаганини сўрашдан чўчимади.

Бир ўқувчимдан кундалигини олиб келишини сўрадим. Айтганимни қилмагач, ёнига борганим, бошини икки қўли билан пана қилди. Бу ҳолни кўриб ажабландим. Менимча, уни уйда ота-онаси, ака-опалари кўп калтакласа керак. Шу кундан эътиборан у билан алоҳида шуғуллана бошладим. Дафтарларини тарқатиш ёхуд доскага мавзунини ёзиш керак бўлса, дарҳол ўша ўқувчимни қақираман. Камгап бўлса-да, хати чиroyлиги учун тенгдошларига намуна қилиб кўрсатаман. Тез орада онгига ўрнашиб қолган «Қўлингдан ҳеч нарса келмайди, сен одам бўлмайсан», деган тушунчалар йўқолиб, дарсларга муносабати ижобий томонга ўзгарди. Энг муҳими, ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлди. Кечагина «4x4 неча бўлади?» деган саволимга «16» деб жавоб бера туриб, «Аниқми?» десам довдираб қолаётган бола бугун ўз фикрини қатъий ҳимоя қилмоқда.

Психологларнинг таъкидлашича, ёшлигиданок дўқ-пўписа билан «тарбияланган» болаларда вақт ўтган сари газаб, нафрат йиғилиб боради. Оқибатда ота-онасига, атрофдагиларга нисбатан аламзадалик ҳисси уйғонади, майда ҳуқуқбузарликлар эса аста-секин катта жиноятларга айланади. Шундай экан, фарзанди худқилдан норози ота-она уни ёнига ўтқари, катталардек муносабат билдириши, қилган иши нотўғри эканини тушунтириши — энг самарали усул.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,**  
"Ma'rifat" мухбири

## «ХУШТАЪМ» МОДДАЛАР

бош мия рецепторларини "алдаш"га хизмат қилади

*Бугунги кунда савдо дўконларидан таъм ва ҳид берувчи моддалар қўшилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлсангиз, уйга бўш қўл билан қайтишингизга тўғри келади. Болалар озуқасидан тортиб қатигу сутгача, соғундан тортиб шампунгача, барча маҳсулотларга бундай «хуштаъм» моддаларнинг қўшилганига гувоҳ бўласиз. Олимларнинг изланишлари шунини кўрсатадики, озиқ-овқат маҳсулотларининг 70 фоиздан ортигига турли хушбўй моддалар қўшилади. Саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари шундай мураккаб тарзда ўзгартирилиб, ишлов берилаяптики, натижада ҳид, ранг берадиган табиий моддалар ўрнини ўзининг «янги авлоди»га бўшашиб бермоқда. Биокимёгарларнинг таъкидлашича, таъм ва ҳид берувчи моддалар кўп ишлатилганлиги учун истеъмолчилар маҳсулотнинг табиий таъми ва ҳидини ажрата олмайдилар.*

Англия, Франция, Италия каби давлатлар супермаркетларида бундай модда қўшилмаган йогурт, пишлоқ, сузма ёки турли десертларни учратиш қийин. Сунъий хушбўй ҳидга эга маҳсулотлар харидорни ўзига оҳанрабодек тортар экан. Хушбўй моддалар, айниқса, сақич ва ичимлик, ширинликлар — кофе ва тортлар таркибига кўпроқ солинар экан.

Қуруқ чойнинг ҳар учинчиси ва қуруқ таомнинг ҳар бешинчисиди ҳид берувчи моддалар борлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу каби моддалар консервланган маҳсулотларда, қуруқ меваларда ва ҳатто чақалоқлар учун ишлаб чиқарилган

бўтқаларда ҳам мавжуд. Ҳид ва таъм берувчи моддалар инсон бош миясининг «алданшига» асосланган бўлиб, ҳид рецепторлари мазза билдирадиган хотира майдонига тушади ва ўрнашади. Масалан, маҳсулот товуқ ҳидига эга бўлса бас, организм таомни парранда бўлгани деб қабул қилади.

Бир гуруҳ олимлар озуқабоп товуқлар билан савдо қилувчи йirik компанияга «чинси чиқарилган заводга хуштаъм ва ҳид берадиган моддалар керак», дея мурожат қилади. Компа-

ния уларга танлаш учун «сувда пиширилган товуқ», «гриль товуқ», «қовурилган товуқ», «карри товуқ», «пикантли жўжа» ва «сеҳрли фаворит жўжалар» каби олтига вариант таклиф қилади. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу «товуқлар»нинг 10 килоси атиги 8 минг сўм турар экан. Таклиф қилинган хушбўйлаштирувчи модданинг бу миқдорни товуқ жўжаларининг 1 тоннасига ишлов беришга етади.

**Жасмин.** Кўк чойнинг 50 фоиздан кўпи шундай хушбўй ҳид ёрдамида сотилади.



## Bilasizmi?

Бу ўсимлик гулининг экстракти жуда ноёб. Кўпинча унинг кимёвий аналогини ишлатилади.

**Цитраль** — бу номни сиз қадокда учратмайсиз. Цитраль цитрус ароматизаторлар таркибига кириди. Ҳайвонларда ўтказилган тажриба шунини кўрсатадики, бу моддалар организмдаги модда алмашинув жараёнига салбий таъсир кўрсатар экан.

Маҳсулот ёрлиғидаги «ҳид ва таъм берувчи моддалар табиийси билан бир хил» деган сўзга ишонманг.

Маҳсулотнинг сифатсизлиги ва зарарли таъсирларини яшириш мақсадида кўпинча ҳид ва таъм берувчи моддалар меъёридан орტიқ миқдорда ишлатилаётганидан хабардор бўлинг.

— Ҳид ва таъм берувчи моддаларни ишлатишнинг зарари йўқ дейдиганлар алашади, — дейди олий тоифали педиатр, тиббиёт фанлари номзода, доцент Ноила Толипова. — Болаларга имкон қадар табиий маҳсулотлардан бериш керак. Бу тавсияга катта ёшдагилар ҳам риоя қилинса, саломатлиги ҳақида қайғураётган бўлади.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

Фан-техниканинг мислсиз даражада ривожланиши натижасида кам куч ва вақт сарфлаб кўпроқ фойда олиш имкони туғилди. Агар бундан бир ярим аср олдин бир дона ил йигирув дастгоҳини ишлаш учун 10 нафарга яқин ишчи талаб этилган бўлса, бугун бир дона компьютерлаштирилган қурилма бир қанча ана шундай бригадаларнинг вазифасини бажармоқда. Бунда тadbirkor бир пайтнинг ўзиде куч, вақт ва маблағдан тежаб қолмоқда. Афсуски, мазкур ҳолат минглаб эмас, ҳатто миллионлаб одамларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Ишсизлик эса чиндан ҳам ўта жиддий муаммодир.

мумкин. Ҳозирги мураккаб шароитда бу яна бир қарра исботини топмоқда.

Испания мисолида тўхталадиган бўлсак, бугун мазкур давлатдаги иқтисодий танглик шу қадар жиддий тус олганки, у ҳатто бутун Европада таъсир этиши мумкин. Мамлакатнинг молиявий тизими барқарорлигини йўқотиб улгурган. Бир қатор йирик молия муассасаларининг инкирозга юз тутаяётгани, ҳукумат томонидан уларни қўқариб қолиш мақсадида қўрилаётган чора-тадбирлар бесамар кетаётгани ҳақида дунё молия агентликлари хабар бермоқда.

Европа давлатлари орасида қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича Испания етакчи ўринда турарди. Унинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлиги ҳам кўп жиҳатдан мазкур тармоқлардаги аҳвол билан узвий боғлиқ эди. Утган замонда гапирётганимизнинг боиси шундаки, айна пайтда ҳудуддаги кўчмас мулк ва сер-

дан буён мунтазам тушиб келмоқда.

Маълумки, евроҳудуд ривожланишида Германиянинг алоҳида ўрни бор. Унга "Евроиттифоқ локомотиви" дея таъриф берилишининг боиси ҳам аслида шунда. Лекин мазкур давлатда яқин истиқболда кузатилиши мумкин бўлган иқтисодий натижалар ҳам кўпчиликини ўйлангилармоқда. Гал шундаки, 2013 йилда Германияда ЯИМ ҳажми мутахассислар томонидан аввал тахмин қилинганидек, 1,7 фоизга эмас, балки бор-йўғи 0,8 фоизга ошиши кутилмоқда. Изоҳланганича, бунга маҳсулот импорт қилувчи бир қатор мамлакатлардаги молиявий-иқтисодий танглик сабаб бўлиши мумкин. Чунки товарларга талабнинг пасайиши ўз-ўзидан тараққиётнинг асосий ҳаракатлантурувчи қучларидан бири ҳисобланган экспорт салоҳиятига путур етказди.

Юқоридеги маълумотлар билан ҳамма жойда ҳам аҳвол

корпорацияси эса 10 минг иш жойидан воз кечишни режалаштираётганини билдирганди.

Умуман, Европа Иттифоқидаги ишсизлик билан боғлиқ манзара ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

Дунёда кеңаятган шундай мураккаб шароитда ҳам юртимизда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар кутилган натижаларни бераётгани ҳар биримизга чексиз фахр ва ифтихор бағишлайди, албатта. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан алоҳида эътироф этилаётганидек, бу Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"нинг пухта ва ишончли эканлигининг айна тасдиғидир. Хусусан, ўтган

## Sharh

диган мамлакат сифатида барқарорлигини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича "ўртачадан ҳам кам" даражада баҳолангани бунинг исботидир.

2013 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга янги иш ўрни ташкил этилади. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларида яратилади. Айтиш жоизки, мазкур жараёнда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш эвазига 485 минг, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланади.

Шунингдек, жорий йилда тоғли, чегара ҳудудларида жойлашган туманларда ҳам ўтган йилгидан 5 фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда ногиронлар ва бошқа шахсларни ишга жойлаштириш учун камида 100 минг иш ўрнини захираш ҳам белгиланди.

Мамлакатимизда ёшлар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидорини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишлар, ҳеч шубҳасиз, келажакка қаратилган юксак эътибор намунасидир. Ҳолбуки, бугунги мураккаб даврда юртининг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, бирор касб ёки хунарнинг этагидан тутиш ва ўз соҳасининг етук билимдони бўлиб етишиш ўрнига ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиши, «оммавий маданият» асирлигига айлангани учун шароит яратиш асло мумкин эмас. Шу мақсадда таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш учун иш ўринлари ташкил этиш масаласига жиддий ёндашилмоқда. Жумладан, 2013 йилда бўш ва захирадаги иш ўринлари ҳисобига 500 мингдан зиёд касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, тижорат банклари томонидан коллежлар ва олий ўқув юрталари битирувчиларига тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш тажрибаси давом эттирилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий кудратини янада кўрсатиб қолмай, балки Президентимиз таъкидлаганидек, навқирон авлод вақилларнинг давлатимиз ва халқимизнинг ҳақиқий суянчи ва таянчи бўлиб улғайишларига билдирилган улкан ишонч намунаси ҳамдир.

# ИНҚИРОЗ ҚУТҚУСИ

Европада ишсизлик муаммосига ҳамон оқилона ечим топилмаяпти



вис бозори жар ёқасига келиб қолган. Натижада жиддий ижтимоий муаммолар авж олмоқда. Жумладан, "Markit" тадқиқотлар маркази маълумотларига қараганда, Пиреней ярим оролидаги ушбу давлатнинг хизмат кўрсатиш тизимида кетма-кет 16 ойдириқ, бандлик кўрсаткичи тушиб бормоқда. Умуман, ҳозир Европа бўйича ишсизлик билан боғлиқ энг оғирлиқ нуқта айнан Испания бўлиб қолаётди.

Мамлакатда давлат қарзлари ҳам жуда тез суръатда ўсаяпти. Шу боис ҳукумат бюджет тақчиллигини қисқартирish юзасидан зарур чора-тадбирларни қўриши лозим. Акс ҳолда иқтисодий барқарорлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, 2013 йилда Испанияда ЯИМ ҳажмининг 1,4 фоизга пасайиши тахмин қилинмоқда.

Еврокомиссия вақилларини айтишича, ялпи ички маҳсулот билан боғлиқ бундай салбий ҳолат, шунингдек, Греция (- 4,2), Италия (- 0,5) ҳамда Португалия(-3)да ҳам кўзга ташланиши мумкин. Масалан, ушбулар юртида иқтисодий кўрсаткичлар 2008 йил-

мураккаблашиб бораётган экан-да, деган хулосага келиш ноўрин. Боиси, бошқалардан фарқи ўлароқ, Ирландия, Эстония ва Словакия каби давлатларда иқтисодий кўрсаткичлар бироз ижобий томонга силжияпти. Аммо бу умумий ҳолатга таъсир қўрсатадими ёки йўқ, ҳозирча номаълум...

Европада рецессиянинг иккинчи тўлкини қайд этилиши мумкинлиги ҳақидаги гап-сўзлардан хавотирланган аксарият йирик компаниялар харажатларни оптималлаштириш мақсадида иш ўринларини, ойлик маошлар миқдорини қисқартирishi ҳаракатига тушиди. Чунки улар "касод кўчаси"га кириб қолишдан кўра шу чорани маълум қўришмоқда. Масалан, Швециянинг "Ericsson" компанияси 1550 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини беқор қилишдан ташқари, тўланадиган иш ҳақлари миқдорини 4 миллиард крон(қарийб 600 миллион АҚШ доллари)гача қисқартирishi қарор қилди. Бундан аввалроқ Франциянинг "Alcatel-Lucent" компанияси яқин келажакда 5 минг, Финляндиянинг "Nokia"

2012 йилда эришилган натижаларнинг ўзиёқ бу борадаги ишларнинг тўғри ташкил этилаётганини билдиради.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди. Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсди. Бугунги кунда, дунёнинг қўллаб мамлакатлари, ҳатто айрим ривожланган давлатлар «қулоғича» қарзга ботиб қолаётган бир шароитда, четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб борилиши натижасида Ўзбекистон қарз ҳажмининг улushi нисбатан паст даражада ушлаб туриб, ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб бера-

Айна пайтда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, фаровонлик, тўқин-сочинлик — буларнинг барчаси шу муқаддас заминда умғузгаронлик қилаётган кўп миллатли фуқароларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Зоҳиджон ХОЛОВ

**МАШГУЛОТЛАР ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЯХШИЛАЙДИ**

Инсон кексайгани сайин эшитиш йўллари емирилиб, миядаги нейронлар фаоллиги ҳам сусайиб боради. Бу эса, ўз навбатида, эшитиш қобилиятининг ёмонлашувига олиб келади. Кексаларда, айниқса, бир-бирига яқин товушларни (п-б, г-д) янглиш эшитиш ҳоллари кўпроқ кузатилади. Агар мулоқот шовқин муҳитда кечса, нейронларнинг секин ҳаракати сабаб уларнинг бир товушни иккинчисидан фарқлаши янада қийинлашади.



АҚШ Шимол-ғарбий университетининг олимлари эшитиш қобилиятининг ёмонлашувини тиклаб бўлмайди, деган фикрни ўз тажрибалари орқали инкор этишди. Олимлар хайвонлар устида ўтказилган тажрибалар яхши натижа бергач, ушбу усулларни одамларда ҳам синаб кўришди. Тажрибада 67 нафар 55—70 ёшли эшитишда нуқсонли бор кишилар билан 2 ой мобайнида эшитиш қобилиятини яхшилашга кўмак берувчи махсус тренинглар олиб борилди. Тренингларда бир-бирига яқин жарангли товушларни фарқлаш бўйича машғулотлар ўтказилди.

Тажрибалар ниятсизга етгач олимлар қарияларнинг хотирасини текшириб кўриб шовқинда ҳам яхши эшитаётгани, тез фикрлаётгани ва ёдда сақлаши бирмунча мустаҳкамланганига гувоҳ бўлишди. Машғулотлардан сўнг қариялар сўзларни бир-биридан ажратиш қобилиятларининг бирмунча яхшиланганини таъкидлашди.

**УЛКАН ДЕНГИЗ ЖОНИВОРИ**

Токио жанубидан 8 километр масофада жойлашган Титидзима ороли яқинида тадқиқот ишлари олиб борган Япония фан ва атропо-муҳит миллий музейи экспедицияси аъзолари денгиз жонивори — кальмарларнинг улкан турини аниқлашга муваффақ бўлди. Мазкур жараён тадқиқот гуруҳи билан биргаликда Япониянинг «NHK» ҳамда Американинг «Discovery Channel» телека-



наллари тасвирчилари томонидан ҳам суратга олинди.

Улкан кальмарни топиш учун олимлар гуруҳи ўта сезувчан қурилмалар билан қуролланган ҳолда денгизнинг чуқур қисмига шўнғиб, тадқиқот олиб боришган. Тадқиқотда 100дан ортиқ мугъахассис қатнашган бўлиб, шулардан 3 нафари қарийб 400 соат мобайнида сув остини тадқиқ қилишга мўлжалланган мослама ёрдамида текширув ишлари олиб борди. Узоқ давом этган уринишлар бесафар кетмади. Олимларнинг махсус «Видеоовчи» ускунаси улкан денгиз жониворини 630 метр чуқурликда пайқаб ва суратга олган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу жониворнинг узунлиги 3 метрдан 8 метргача бўлиши мумкин. Аммо жониворнинг узунлиги эмас, унинг узун қисқичлари тадқиқотчилар эътиборини тортган.



**«BLACK BERRY» ДАН ЯНГИ ИХТИРО**

АҚШ савдо белгилари ва патентлаш бошқармаси (USPTO) расмий сайти таркатган маълумотларга кўра, Black Berry фирмаси энг камида уч шаклга эга мобил электрон мосламани ишлаб чиқариш учун патент олди. Мазкур ўзига хос ихтиро телефон, смартфон ва ҳатто планшетлар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Компания тақдим этаётган қурилманинг ўзига хос жиҳати шундаки, мобил телефон экрани махсус тузилишга эга бўлиб, шарикли мослама унга 180 даража бурчакда айланиши имконини яратди. Шу орқали мобил телефонларининг дисплейли корпусининг мустаҳкамлиги ҳам таъминланади. Бундан ташқари, истеъмолчилар қурилма экранини қия шаклга келтириш, QWERTY-клавиатура орқали мобил телефонларидан янада самарали фойдаланишлари мумкин. «Financial Post» нашрида ёзилишича, мобил воситасидан фойдаланиш зарур бўлмаган ҳолатда янги технология махсус химоя ғилофи вазифасини ўтайди.

Айни дамда «Black Berry» янги қурилмани мобил телефонларининг сотувга чиқарилиш мuddати маълум қилинмаган.

Олим ЖУМАБОВ тайёрлади.



Германиянинг Бранденбург федерал ери Мэркиш-Одерланд туманидаги фермаларнинг бирида аниқланган «парранда гриппи»нинг бошқа ҳудудларга тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида карантин эълон қилингани ва жами 14 минг парранданинг йўқ қилингани ҳақида хабар тарқатилди.

Покистоннинг жануби-ғарбидagi Кветта шаҳри бозорида 800 килограммга яқин портловчи модданинг террорчилар томонидан ҳаракатга келтирилгани боис 79 нафар киши ҳалок бўлган, юзлаб инсонлар оғир жароҳатланган.

Америка Қўшма Штатлари Колвилл шаҳрида (Вашингтон штати) икки нафар бешинчи синф ўқувчиси қотилликка тайёргарлик кўришда айбонлиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинган, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

Қуролланган жиноятчилар зирҳли автомобиль ёрдамида Брюссель аэропортидан Цюрихга учини қутилаётган самолёт бортига орталаётган қиймати бир неча юз миллион долларга баҳоланаётган қимматбаҳо олмос ва олтинларни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишга улгуришди.

Канаданинг Атлантика Кокееанига туташ ҳудудларда юз берган кучли қор бўрони оқибатида мактаблар вақтинчалик ёпилиб, авиарейслар бекор қилингани, Янги Шотландия провинциясининг Ливерпуль портидан 120 километр жанубда 13 метрлик балиқ овловчилар кемасининг чўкиб кетгани, беш нафар кема экипажи аъзоларининг эса дараксиз йўқолгани ҳақида хабарлар тарқатилган.

Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳрида яшовчи, бошига 9 сантиметрлик пичоқ санчилик касалхонага ётқизилган 20 ёшли фуқаронинг жароҳлик амалиётдан омон чиққани қатта шов-шувларга сабаб бўлди.

**ҚАЙТА ТАНЛОВДА ИШТИРОК УЧУН ТАКЛИФНОМА**

**Қайта танлов номи:** Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур қайта танловда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўлимига таклиф этади.

ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

**Молиялаштириш:** Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қайта Танлов "Бир босқичли — бир конвертли" рақобат таклифларини танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Қайта Танловда давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой мuddатдан кам бўлмаган, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдига қарзи бўлмаган, суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турмаган, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун рўхсатнома(лицензия)га эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган корхоналар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар қўшимча маълумотларни 2013 йил 20 февралдан бошлаб ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларининг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Барча таклифлар 2013 йил 22 март куни соат 14.00га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари Халқ таълими вазирлиги биносидан 2013 йил 22 март куни соат 15.00да барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилмайди.

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100078, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+998 71) 239-14-01, 239-40-81. Факс: (+998 71) 239-40-83.**

**Махсус мактаб, мактаб-интернатлар учун чоп этиладиган дарсликлар рўйхати**

Т/р	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Йўналиши	Адади	Мах. нарх
1.	Она тили	4-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 317	7 500
2.	Ўқиб китоби	4-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 367	12 233
3.	Математика	4-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 332	7 850
4.	Тўғри талаффузга ўргатиш ва нутқ ўстириш	4-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 317	15 148
5.	Она тили	5-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 253	8 500
6.	Ўқиб китоби	5-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 253	7 850
7.	Алифбе	1-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	507	21 465
8.	Атрофимиздаги олам	1-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	507	18 860
9.	Нутқ ўстириш	2-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	483	27 600
10.	Нутқ ўстириш иш дафтари	2-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари учун	483	23 500

**Умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш бўйича танловда ғолиб бўлган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар РЎЙХАТИ**

№	Фан номи	Синфи	Муаллифларнинг Ф.И.О.
1.	"Меҳнат таълими" (таълим барча тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	7	Шавкат Шарипов, Кумри Абдуллаева, Одил Қўйсенов



# ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ

қорақалпоқ ёшларининг энг севимли масканларига айланган

Келажакка эътибор бугундан бошланади. Айниқса, юртимиздаги миллионлаб ўғил-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари, ўз мақсад ва орзуларига бекума кўст эришишлари учун давлатимиз томонидан яратиб берилган замонавий шарт-шароитлар мамлакатимизнинг чинакам фаровон ва обод дийёрга айланганининг яққол тасдиғидир.

Қорақалпоғистонда 2003—2012 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобдан 114та спорт иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда қорақалпоқ ёшлари ихтиёридаги 3та I ТИП ҳамда 5та V ТИП спорт иншооти, мактаблар қошидаги жами 72та спорт зали, 25та спорт объекти ва майдончалари реконструкция қилинган бўлса, 2та ёпиқ сузиш ҳавзаси, 5та болалар спорт майдончаси янгидан бунёд этилди.

Бугун қорақалпоғистонлик спортсевар ёшлар Нукус, Эликқалъа, Қўнғирот, Тўртқўл ва Чимбой туманларидаги энг замонавий андозалар асосида қурилиб, зарур инвентарлар билан жиҳозланган спорт иншоотларини тўлдириб, малакали мураббийлардан назарий ва амалий сабоқ олишмоқда.

Шуниси эътиборлики, бугун турли спорт мактабларида 47715 нафар(15587 нафари қиз) ўқувчининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча имкониятлар муҳайё

қилинган. Шунингдек, спорт ва жисмоний тарбиянинг болалар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёс эканини 75635 нафар ўқувчининг соғломлаштириш гуруҳларига қатнашганидан ҳам билиш мумкин. Бугун улар ўз ҳаётини спортсиз тасаввур этолмайди.

Мусобақалар ёшларда голибликка интилишни оширади. Голиб ўқувчи бўлиш учун эса албатта, ҳаракат қилиш, ўз устида тинимсиз изланиш талаб этилади. Қорақалпоғистон ёшлари ўртасида мунтазам равишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун дзюдо, самбо, стол теннис, шахмат, шашка, бадий гимнастика бўйича бир-бирдан қизқарли бел-

лашувлар ташкил этилади. Қитъа ва жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган машҳур спортчилар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкиллаштирилади. Ана шундай тадбирларда голиб ва совриндор бўлган ўқувчиларнинг маҳаллий ва халқаро чемпионатларда ҳам муваффақиятли қатнашганини ҳудудда ҳам спорт жадаллик билан тараққий этаётганини билдиради. Хусусан, ўтган йили Германияда бўлиб ўтган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг спорт фестивалида 2 нафар қорақалпоғистонлик спорт гимнастикачиси совринли ўринларни эгаллади. Бундай ютуқлар жорий йилда янада кўлайишига ишонамиз.

Азамат ПИРНИЯЗОВ



## МЕССИДАН ЯНГИ РЕКОРД

«Барселона» клуби етакчиси аргентиналик Лионель Месси деярли ҳар бир учрашувда қандайдир рекорд натижани янгилашга муваффақ бўлмоқда. Қизиги, футбол мухлислари бунга ўрганиб ҳам қолишди.



Дам олиш кунлари Испания чемпионатининг 24-тур учрашувлари ўтказилди. «Гранада» жамоаси майдонда тўп сурган каталонияликлар гарчи биринчи бўлиб ўз дарвозасидан тўп олиб чиққан бўлса-да, яқунда Мессининг дубли эвазига ғалабани кўлга киритди.

Лео матчининг 50-дақиқасида ҳисобни тенглаштириб, клуб тарихида 300та гол урган ягона футболчига айланган бўлса, 73-дақиқада жарима тўпини қойилмақом тарзда дарвоза тўрига жойлаб, ўз рекордини мустаҳкамлади.

«Барса» таркибидаги дебют ўйинини 2003 йилнинг ноябрида ўтказган Месси бугунгача жами 365 марта «кўк-анорангли»лар либосида майдонга тушган.

## ЭНГ «КЕКСА» ПЕШҚАДАМ

Тажрибали теннисчи Серена Уильямс 18 февраль кuni эълон қилинган Аёллар теннис ассоциацияси(WTA)нинг янги рейтингида биринчи поғонага кўтарилиб олди. Бу ҳақда WTA расмий сайтыда батафсил маълумот берилди.



Ўтган ҳафтада Қатар пойтахти Доха шаҳрида яқунланган халқаро турнирда Серена финалга қадар етиб келди. Ҳал қилувчи баҳсда эса белоруслик иктидорли ракетчи Викториа Азаренкога имкониятни бой бериб қўйди. Шунга қарамай, Уильямс жамғарган очколари ҳисобига рейтинг пешқадамга айланди.

Энг қизиги, Азаренко мазкур жадалда иккинчи ўринда қайд этилди. Айни дамда 31 ёшли Уильямс аёллар теннис тарихидаги энг ёши катта биринчи рақамли теннисчи бўлиб турибди. Унга эса 1995 йили Крис Эверт шундай «чивон»га эга бўлганди. Ушанда у 30 ёшни қаршилаганди.

## 3,7 СОНИЯ ҚАДРИ

Биатлон бўйича Чехиянинг Нове-Место шаҳрида ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг сўнги босқичида эркеклар ўртасида масс-старт мусобақаси ўтказилди. Унда норвегиялик мохир биатлончи Тарей Бега омад кулиб боқди.

Бе маррага бир неча қадам қолган энг сўнги сонияларда рус спортчиси Антон Шипулинни ортада қолдирди ҳамда олтин медалга сазовор бўлди. Олтин ва кумуш медал орасидаги «масофа» атиги 3,7 сонияни ташкил этгани эса кимўзарнинг ниҳоятда мурасасиз ва ҳаяжонли тарзда ўтганини билдиради.

Бронза медали яна бир норвегиялик спортчи Эмил Хегле Свендсенга насиб этди. У голибликка эришган юртдошидан 7,4 сония ортада қолди.

Мазкур мусобақадан сўнг 8 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медали жамғарган Норвегия терма жамоаси яқна пешқадамга айланди. Биттадан олтин медалга эга Украина, Беларусь ва Франция спортчилари эса кейинги ўринларга жойлашди.

## КРИС — ЮЛДУЗЛАР «ЮЛДУЗ»И

Хьюстон шаҳридаги «Toyota Center» спорт мажмуасида баскетбол бўйича Шарқ ва Ғарб терма жамоалари ўртасида «Юлдузлар шоуси» ўтказилди. Унда Милллий баскетбол ассоциациясининг бунгунги кундаги энг мохир баскетболчилари ўзаро куч синашди.

Минглаб мухлислар ҳаяжон билан кузатган матчда ғарблик баскетболчилар иродали ғалабани кўлга киритди. Якуний ҳисоб 143:138.

Ғолиблар сафида «Оклахома-Сити» вакили Кевин Дюрант «Энг яхши ўйинчи» деб топилди. У Ғарбий «Юлдузлар жамоаси»га 30 очко келтирди. Айнан шу жамоа шарафини ҳимоя қилган яна бир баскетболчи Крис Пол («Лос-Анжелес») эса матчининг «Энг қimmatли ўйинчиси» деб топилди. У ўзи 20 очко жамғариб, яна 15 бора қулай тўп узатишларни амалга оширди.

Хусан ҚУРБОНОВ тайёрлади.

## Bolalar sporti

# ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ



Наманган шаҳридаги Олий спорт маҳорат мактабида кўплаб спорт усталари, мамлакатимиз терма жамоалари аъзолари, чемпионлар етишиб чиққан.

Мактабда спортнинг бокс, дзюдо, эркин кураш, юнон-рум кураши, белбогли кураш, кураш, оғир атлетика, волейбол сингари ўнлаб турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шароит мавжуд. 2010 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилган мукамал ташкирлаш ишларидан сўнг мактаб муҳташам спорт мажмуасига айланди. 2012 йили мактаб спортчилари турли миқёсдаги турнирларда 24 олтин, 26 кумуш ва 31 бронза медалини кўлга киритди.

Суратда: Наманган шаҳридаги Олий спорт маҳорат мактаби тарбияланувчилари.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган сурат.

## ЁНҒИНЛАР

# ТАСОДИФАН БЎЛМАЙДИ

Инсоният тараққиёти олов билан бевоСИТА БОГЛИК. Оловнинг фойдали ва ўз навбатида офатларга сабаб бўлувчи зарарли томони ҳам бор. Ҳаёти-мизда содир этилаётган ёнғинлар эса тасодиф эмас, албатта. Озгина эътиборсизлик натижасида келиб чиққан ёнғин нафақат моддий зиён келтиради, балки кишилар ҳаётига ҳам зомин бўлиши мумкин.

Ёнғинларни келтириб чиқарувчи омиллар кўп. Уларнинг барчасига кишиларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги сабаб. Шундай экан, осойишта кечаётган ҳаётимиз биргина локайдлик ортидан ғам-ташвишга тўлмасин. Ёнғинни ўчиришдан кўра, уни олдини олган афзал, деган ақидага амал қилиб, аввало, инсонлар, оилалар, шу орқали маҳалла, юрт тинчлигини сақлайлик.

Комронбек ЖўРАЕВ, Тошкент шаҳар ЁХБ 12 ҲЕХО 23-ҲЕХК смена бошлиғи, лейтенант

## Хурматли

### Тўйгул АСИЛБЕКОВА!

Сизни таваллуд айёмин-гиз билан чин дилдан табриклаймиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими сифатида кўп йиллик педагогик тажрибангиз, Кўйи Чирчиқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими методисти сифатидаги ишларингиз ёш ўқитувчиларга ибрат.



Педагогларга методик тавсиялар беришдан ҳеч ҳам чарчаманг. Доимо фарзандларингиз ва шогирдларингиз ардоғида юринг. Сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар ҳамроҳингиз бўлсин.

Ҳамкасбларингиз ва дўстларингиз

# БАҲОР — УМИДЛАРНИНГ БЕЛАНЧАГИДИР

Узун қишнинг узун-узун тунлари қисқара бошлаганига анча бўлган эса-да, кўкلامий насимлар ела бошлаши билангина тонглр эртароқ ёришаётгандек. Субҳидамнинг саррин саболари дилингизни энтиктиради. Кечагина этингиз жунжикиб кўчадан уйга ошиқардингиз, бугун эса табиатнинг яшара, янгила бошлаган тафти бағрига имлаётгандек. Кўнгилларда ширин-ширин тотли умидлар, ниятлар уйғотиб қадам ранжиди этишга чоғланаётган фасли Навбахорни хокисоргина она Заминимизга қиёслагим келади. Момо ер — ҳеч қачон унга озгина меҳр кўрсатгани ноумид қилмайди. Бермоқдан

огринмайди, толса-да чарчадим демайди. Бирни сочсангиз, минг қилиб дастурхонингизга қайтаради. Баҳор ҳам шундай, юракларга ҳарорат аталмиш ҳаётга муҳаббат ишқини солмоқ учун бор чиройи, назокати, сеҳри, мўъжизалари билан туйғуларингизга ошно бўлади. Аслида, одамизоднинг ҳаётига маъни бахш этгучи куч ана шу ҳароратда! Илмий хулосалар баҳорда "илик узилди" жараёни кечиши, яъниким вужуднинг толиқиб "йўғон чўзилиб, ингичка узилдиган пайт" эканини тасдиқлайди. Аммо, назаримда, руҳ қувват олади бу фаслда! Чунки кўнгил хамиша гўзалликни соғинади.



Кўкламнинг кунботарида шивалаб, тун бўйи шаррос қуйиб чиққан ёмғирлари, гумбурлаб момақалдироққа айланган чақинлари, ҳатто гул барглари лабига босган шабадаларида ҳам ҳикмат бор. Ажиб бир ҳаётӣ давомийлик, сеҳр жам! Ана шундай ҳислату амаллари билан саҳий Ерга ўхшайди баҳор! Ҳамиша соҳибларига ризқ илиниб тургучи ота Маконимизга!

Ҳеч эътибор берганмисиз, қишнинг огир сукунати танижонига озгина осойиш берган дов-дарактлар бор қуватин оппоқ, пушти гулларга, яшил баргакларга узатади. Баҳор яшнайди кўз ўнгимизда. Унинг изларида уч фаслнинг туғёнлари бор. Ёзнинг мевалари фарқ пишган боғларида кўкلامий куртақларнинг сўнги жилвалари жам! Кузнинг ишқоларида мўралаб, олтин рангларида товлангучи узуму бе-

ҳиларининг лаззати баҳорнинг бизга узатиб ўзин йўқотган неъматларидир! Шундайин тасаввурлар мени Навбахорни юзларида ажин, нурунийсифат, ҳар нафаси ҳикмат, толган-тутгани барокат, раҳмат, Ер шарриро эзгуликнинг уруғин сочмоққа бел боғлаб яшариб, яшнаб, танилиб, тан олиниб, дилларда, тилларда дoston бўлаётган Ўзбекистонга менга-шимга асос бўлади.

...Баҳор ва Она Ер — улар яхшиликнинг элчиларидир. Ва иккисин кучоғида бугун қайта уйғонган Ўзбекистон, азиз эл улуг ниятлар ила кўкламдан бошланажак янги кунни қарши олмоққа ошиқади. Ҳазрат Навоий битганларидек, ҳар тунимиз қадр ўлмоғи, ҳар кунимиз Наврўз ўлмоғи муборак бўлсин!

Ойбуви ОЧИЛОВА

Т.КАЙСАРОВ олган суратлар.

## Ma'rifat

### ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта махсус та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, сан ва  
маданият ходимлари  
касба uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Тahрир ҳay'ati: Madamin  
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-  
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,  
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-  
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor  
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda  
MURZAYEVA, Husan NISHONOV  
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir  
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-  
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul  
kotib, "Учитель Узбекистана"),  
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida № 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-218.  
Tirajli 66475.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir  
qilinmaydi va maallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy  
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-  
53-16, fan, o'liy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-  
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Liliya BINASHEVA.  
Navbatchi muharrir:  
Hamza ABDULLAYEV.  
Navbatchi:  
Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonada manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 20.20  
Topshirildi — 21.15